

46 (940) сон

5 ноябрь — 11 ноябрь 2009 йил

Web-site: oilavajamiyat.uz

Ноябрь - 2009.



2

**НЕЧУН ТОМОШАГА  
БУНЧАЛАР ЎЧМИЗ?!**

**4 АГАР АЁЛ  
ЖАРРОҲ БЎЛСА...**



6

**ҚИРҚ КУНЛИК ЙЎҚЛОВ**  
ёки қиз узатганинг «жазоси»

**ИШЛАШНИ ХОҲЛАЙСАНМИ,  
ТАЪЗИМ ҚИЛИШНИ БИЛ!**



15

**КЕЧА:**

→ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд хирмон уйган мамлакатимиз пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига эришилган ушбу улкан меҳнат ғалабаси муносабати билан табрик йўллади.

→ Бутун дунё миқёсида БМТнинг энг йирик таянч ташкилотларидан бири UNESCOнинг ташкил этилган куни кенг нишонланди.

**БУГУН:**

→ Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуида Марказий Осиё sanoat ҳафталиги доирасида ихтисослаштирилган халқаро кўргазмалар ўз ишини давом эттирмоқда.

→ Бундан роппа-роса 53 йил муқаддам (1956) Тошкент телевидениеси очилган эди.

**ЭРТАГА:**

→ Вьетнамнинг Ханой ва Хошимин шаҳарларидаги ёпиқ иншоотларда давом этаётган III Осиё ўйинлари (43 мамлакат вакиллари 26 та спорт тури бўйича ўзаро куч синашмоқдалар) да ҳозирча норасмий умумжамоа ҳисобида тўққизинчи ўринда бораётган (2 та олтин, 3 та кумуш, 2 та бронза) ўзбекистонлик спортчиларга омад тилаймиз.

→ Бу йил 8 ноябрда нишонланаётган Тиббиёт ходимлари кунига қизгин ҳозирлик кўриломоқда.



**Фарзанд соғлиги — она қувончи**

**ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА:**

Болага ҳам пул керак, аммо...	2
«Опам—қудам, қизим эса бахтсиз»	3
«Умр» маркази: ногиронлик чекланиш эмас!	5
Чақалоқ «инга»сини узоқ кутганлар	7
Теледастурлар	8-10
Куёвга «ёв» бўлган қайнота	12
Кредит олиш учун «шапка» бериладими?	14
Ҳаром қотган сигирнинг пули	16

**“ОБУНА — 2010”**

**Муҳтарам муштарий!**  
Йил давомида хонадонингизда эзгулик, бағрикенглик, аҳиллик ришталари мустаҳкам бўлсин, кўнглингиздан эса ҳар қандай бойликдан-да улугроқ неъмат — меҳр-муҳаббат туйғуси аримасин десангиз, «Оила ва жамият»га обуна бўлинг!

**ИНДЕКС:**

Якка обуначиларга — 176  
Ташкилотларга — 177



...Куни кеча пешин маҳали пойтахтимизнинг энг гавжум Навоий кўчасида иккита энгил автомашина тўқнашиб кетди. "Нексия" ўз йўлидан тўғри ҳаракатланаётган бўлса-да, ундан олдинда кетаётган хорижий русумдаги яп-янгги машина қайрилиш мумкин бўлмаган жойда кескин тормоз бериб бурилдию... кўнгилсиз ҳодиса рўй берди!

Ҳаш-паш дегунча сал кам эллик чоғли оломон иккала машинани ҳам ўраб олди. Кутилмаган зарбадан ҳали ўзларига келолмаган ҳайдовчилар эса бир-бирлари билан гаплашмишга улгуришмади. Атрофни томошатабларнинг ғала-ғовури

кўкиси босдимикан? Кейин билсак, довондан тушиб келаётган катта бир юк машинаси ағдарилиб кетиб, тиркамаси билан йўлни бекитиб қўйган экан. Анча қуйроқда бўлганимиз боис аввалига ўша тарафдан келаётган турли бақир-чақирни эшитиб, кимлардир аварияга учраган ҳайдовчига ёрдам бераётган бўлса керак деб ўйлабмиз. Ҳайқиллашиб бориб, не кўз билан кўрайликки, ҳалиги ҳалокат жойида машинанинг ағанаб ётган тиркамасидаги юклар — кийим-кечак, кўрпа-ёстик, тўп-тўп газ-моллар, хуллас, турли-туман нарса-лар ер билан битта бўлиб тўзган, энг даҳшатлиси, ўтиб қайтаётган ма-

## ✓ МАВЗУ

ганлар ҳам ерда эгасиз ётган юкларни йиғишга кўмаклаша бошладилар. Ҳеч қанча вақт ўтмай, яқин жойдаги ДАН постидан етиб келганлар фалокатга учраган машина ҳайдовчисини қутқаришди. Аммо бунга қадар қанча одамлар қўлларига илинган нарсаларни олиб кетишга улгурганди...

Энг ачинарлиси, сўнгги вақтда орамизда "томошага ўч томошабинлар" тоифаси кўпайиб кетаётди. Бундайлар ҳар ерда пайт пойлаб юради, қаерда бирон кўнгилсиз-

# НЕЧУН ТОМОШАГА БУНЧАЛАР ЎЧМИЗ?!

босиб кетди: "Айб юз фоиз "Нексия"-да, мана мен кўриб турувдим", "Инспектор чақириб ўтирманг, муаммо кўпаяди", "Пули кўп-да бунақаларнинг, мошиналиниям, пиданиям уриб ўтиб кетаверади"...

Хуллас, ҳамма ўзича гувоҳ, ўз билганича қозилик қиларди. Охири бўлмади, ҳалиги қондан бузмаган "Нексия" эгаси — эллик ёшлардаги киши йиғилганларга қараб бақириб берди: «Нима, сенларга текин томоша кўрсатилгандими бу ерда? Ким ҳақ, ким ноҳақлигини ана, одами бор, ушалар аниқлайди. Ҳалиям худо сақлади, жонимиз омон қолди, бирор нарса бўлса, ҳаммаларинг қочиб кетардинглар-ку! Илтмос, тарқалинглар, биз ўзимиз келишиб оламиз". Орадан ўн дақиқа ўтар-ўтмас, воқеа жойига ДАН ходимлари етиб келишди ва тегишли чоралар кўрилди.

Кизиқ, негадир кейинги пайтда нафақат юқоридагидек ҳолатлар, балки кўчада, бозор ё исталган дўконда, фарқи йўқ, бировнинг овози сал баландроқ чиқса бўлди, ёшу қари баб-баравар ўша ёққа югураемиз (ёрдамга эмас, томошага). Аксинча, кўча-қўйда бировнинг сал тоби қочиб қолса ёки эҳтиётсизлик қилиб йиқилиб тушса, ўша шўрликка узо-о-қдан қараб тураемиз ва секингина "менга нима?" деб бурилиб кетаверамиз.

...Ўтган йилнинг эрта баҳорида водийга кетаётгандик. Камчиқ дово-нига қараб чиқишдаги катта йўлда машиналар қаторлашиб туриб қолганини кўриб, ҳайрон бўлдик: ё қор

шина йўловчилари қўлларига илинган бўюмларни талаб кетишгаётган эди!

Шу пайт етмиш ёшлардаги бир отахоннинг оломон орасида ҳайқир-



ган овози эшитилди: "Ҳой, биродарлар, худо хайрларингни берсин, инсофларинг борми ўзи? Бир банданинг молини нега ўғир-лаясизлар? Бундай ҳаром ишга қўл уриб, гуноҳга ботманглар. Ундан кўра қўлларингдан келганича шофёрга ёрдамлашсаларинг-чи!"

Хайриятки, ҳалиги аламли ҳайқирки кўпларни сергак торттирди ва шу пайтгача томошабин бўлиб тур-

лик ёки бахтсиз ҳодиса, тортишув бўлса ҳозир у нозир. Ёрдам бериш-ни-ку кўйинг, аксинча пайтдан фойдаланиб, ниманидир ўмаришни ўйлайди.

Ҳақли савол туғилади: Нега айрим иймонини унутган одамлар бу даражада ёввойилашиб кетаяпти? Ахир биз бугун авлод-аждоқларимизнинг бой маънавий мероси, айниқса, инсонийлик бобидаги энг ибратли ва хайрли амаллари ҳақида мактабнинг гапираемиз, лекин нега ўзимиз бундай муқаддас ақидаларга риоя қилмаймиз?

Норқобил ЖАЛИЛ

# "ҚЎЙДИ-ЧИҚДИ"ЛАРИ ЙЎҚ ГЎША

## ✓ ИБРАТ

Самарқанд шаҳридаги 4-марказ "Инқилоб" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Икром Ҳасановнинг айтишича, кейинги бир неча йил ичида бу ҳудудда турли хил кўринишдаги жиноят содир этишлар, шу жумладан, ўзаро оилавий келишмовчиликлар кузатилмапти.

— Бунинг ҳеч қандай сир-асороти йўқ, — дейди раис бу мисолларга изоҳ бераркан. — Аввало фуқаролар йиғинимизда одамлар билан иш юритиш тартиби пухта ўйланганлиги, қолаверса, шаҳардаги ташилотлар ва муассасалар билан ҳамкорлик изчил йўлга қўйилганлиги яхши самара берапти. Оддий мисол, маҳаллаларни бир айлангангиз, бўш юрганларни деярли кўрмайсиз, ҳаммаси нима биландир

банд. Ёшлардан тортиб, катталаргача жуда фаол.

Шу ҳудудда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлаётган Гулсара Жўрақуллова, Хуршида Умарова каби фаоллар эса кўпроқ хотин-қизлар, айниқса, оилавий масалалар бўйича турли мавзуларда тарғибот ишлари намунали ташкил этилгани учун аксарият ҳолларда майда-чуйда гап-сўзлар оиланинг ўзида ҳал этилаётганини ҳам алоҳида таъкидлашганлариди ҳикмат бор.

Яна бир эътиборли жиҳати, ушбу йиғин ҳудудда фаолият юритаётган спорт иншооти ҳар доим гавжум. Таҳрибали мураббий Мақсуд Фаниевнинг ташаббуси билан бу ерда олтиншадан кўпроқ ёшлар шарқона кураш

турларидан бири таэквондо бўйича мунтазам машғулотлар олиб борилмоқда.

Турли миллат вакилларининг аҳил ва иноқ ушашларида ўзига хос намуна мактаби сифатида эътироф этилса арзийдиган ушбу маҳалла фуқаролари йиғинида шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, тиббиёт муассасалари, ҳуқуқий идоралар билан узвий ҳамкорликларнинг кенг йўлга қўйилганлиги, шу жумладан, шу ҳудуддаги хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида очилган тикувчилик цехи фаолиятдан қўпчилик мамнун эканлиги ва бошқа қатор муваффақиятларнинг ҳаммаси бу гўшада тинчлик ва тотувлик энг асосий мезон бўлаётганини кўрсатмоқда.

Баҳодир ХАМРОҚУЛОВ

## Оила ва жамият

### КУЗДА ЁҚИЛГАН ХАЗОН

Сизу бизнинг сихат-саломатлигимиз учун катта ҳавф туғдирадиган, ҳатто энг оғир касалликларни келтириб чиқаришини ҳамма ҳам билaverмайди. Билганимиз эди... олтин кўзининг ўзгача бир хосияти дея таъриф бериладиган барги хазонларни аямай ёқиб юбормай, бир чеккага кўмиб, келаси йил учун ажойиб ўғит бўлишига замин ҳозирлашарди. Афсуски...

Ўзбекистон экологик ҳаракати координатори, тиббиёт фанлари номзоди Зулфия Шоалимова-нинг таъкидлашича, ер юзидаги хасталикларнинг 35 фоизи инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши, экологияга етказилаётган зарарлар туфайли келиб чиқаётгани мутахассислар томонидан аниқланган.

— Бугунги кунда пойтахтимиз ва мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида аёвсиз равишда ёқиб юборилаётган турли даракларнинг хазонларидан пайдо бўлаётган тутунлар таркибида заҳарли токсин моддалари ажралиб чиқаяпти, — дейди Зулфия Шоалимова. — 1 тонна ёнаётган ўсимлик қолдигидан 30 кг. Углерод оксиди ажралади. Ёниш оқибатида политиклик ароматик углеводлар ўта кучли концентрат яъни ўсма (онкологик) касалликларни келтириб чиқариш хусусиятига эга бўлган зарарли моддалар, заҳарли газлар ажралади. Наҳотки, ўз соғлигимизни ўз кўлимиз билан заҳарлаётганимизни тушунмасак?

"Мен сеvimли газетамиз орқали, айниқса, пойтахтимизнинг қайси бир ҳудудида бўлмасин, экологик муҳитни бузиш билан боғлиқ ҳолатлар учраса "Экоҳаракат"нинг куйидаги "Ишонч телефони" 245-96-32 га мурожаат қилишларини сўрайман" деди куйинчалик билан суҳбатдошимиз.

Барно МИРЗААХМЕДОВА,  
"Оила ва жамият" муҳбири.

### ПУЛ БОЛАНИ БУЗАДИМИ?



Истаймизми, йўқми, бугуннинг боласига пул билан қай тарзда "тиллашиш"ни ўргатиб бўлдиқ. Майли, не деймиш, бу ҳам ўзига хос тараққиёт таъсири, яъни янги аср янгилиги. Хўш, умуман олганда фарзандимизга пул керакми? Уни қандай сарфлашни биладими у?

Бир кунда мактаб, лицей-колледж, институтга, хуллас, турли юмушларга қанча харажат кетади? Аксинча, шу пул бола маънавий дунёсининг бузилишига "хизмат" қилса-чи?

Худди ана шундай долзарб саволларга яқинда Балликчи туманидаги 14-умумтаълим мактабида "Бола-пул-бозор" деб номланган давра суҳбатиде атрофлича жавоблар изланди. Мактаб директори Дилобархон Бекмуродова, "Маҳалла" жамғармасининг Жалақудук туман бўлими раиси Санобар Мамитова, ҳуқуқшунос Рашида Рустамова, олтиқўллик фахрий ўқитувчи Фариди Араббоева, шифокор Одинахон Тожибоева ва бошқалар бу масалага оид ўз қузатув ва тажрибалари ҳақида сўзлаб беришди.

Суҳбат низоҳида турлича хулосалар айтилди: яъни "Болани пул билан муомала қилишига қанча эрта ўргатсак, шунча яхши", "Кундалик сарф-харажатлари учун берган пулни нимага ишлатгани назорат қилиш", "Оила даврасидаги пул билан боғлиқ суҳбатларга уларни ҳам жалб этиш", "Фойдали ишлар билан шуғулланиб, пул топишига руҳсат бериш", "Фақат ҳалол йўл билангина пул орттиришига розилик билдириш" кераклиги ҳамда ва яна бошқа ўнлаб маслаҳат, йўл-йўриқлар орқали болаларни тарбия қилиш лозимлиги таъкидланди.

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА,  
"Оила ва жамият" муҳбири.  
Анджон вилояти.

Ушбу рақам остида берилаётган мақола-лар Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Аxbорот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

«Энг намунали маҳалла маслаҳатчиси» республика кўрик-танловда Самарқанд вилояти Самарқанд туманидаги Галаосиё маҳалла маслаҳатчиси Сурайё Ашурова 8 мингдан зиёд иштирокчи орасида «Энг ижодкор ва маҳоратли маслаҳатчи» номинациясини ғолиби бўлган эди. Бир қарашда амалий фаолият самарасига баҳо бериб ўрганган жамоатчилик учун маҳалла маслаҳатчисининг ижодкорлигини дарров тасав-

одамлар билан ишлаш маданиятини тўғри олиб боришга ёрдам беради.

— **Сухбатлашадиган, маслаҳат берадиган одамнинг ўзи аввало бошқаларга ўрнак бўлиши, сўзини ўткази олиши муҳим-да!**

— Албатта, ахир бировни тўғри йўлга солишга уринсагу, аммо ўз оиламизда тотувлик бўлмаса, муаммолар бўлиб турса, шунинг ўзиёқ, ўзингизга айтмас-да, «аввал ўзингни, оилан-

**МАҲАЛЛА МАСЛАҲАТЧИСИ**

очиб, турли пишириқлар пишириб сотади, цехида 5-10 нафар маҳалла қизлари иш билан таъминланган. Холида Холова эса миллий либослар тикади, ўзининг тикувчилик цехи бор. Бу ерда ҳам иш жойлари очилган.

— **Бугун маслаҳатчилар зиммасидаги масъулият тобора ортиб бормоқда. Айтинг-чи, ўз маҳаллангизда маънавий муҳитни яхшилаш билан бирга саломатлик, ҳуқуқий саводхонлик каби мавзуларда тарғибот-ташвиқот ишларини қандай ташкил қилаяпсиз?**

— Маҳалламизда 3840 нафар аҳоли истиқомат қилса, шуларнинг 1700 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Маълумки, халқимиз маърака-мавлудлари, турли саҳоват ишларини азалдан адо этиб келган. Элга дастурхон ёзиш ҳар кимнинг эзгу орсуси. Албатта, бунинг ёмон жойи йўқ, фақат исрофгарчиликка йўл қўйилмаса бўлгани. Мана шундай йиғинларда кўпни кўрган онахонлар насихатлар қилишиб, аёлларни соғлом турмуш тарзига, фарзандларимизни баркамол қилиб вояга етказишни чорлайди.

Албатта, бундан ташқари мутахассислар ёрдамида тарғибот ишларини олиб борамиз. Кейин маҳалламизда обрўли, намунали оилалар ҳам борки, уларнинг имкониятларидан ҳам кенг фойдаланамиз. Масалан, Баҳоидир Бозоров, Аҳмад Раҳматов ва бошқа кўплаб саҳоватли инсонлар оилалари билан беминнат ёрдамларини маҳалладан аямайдилар.

«Оила ва жамият» муҳбири Гуррух МҮМИНОВА ёзиб олди.

**ГАЛАОСИЁНИНГ ОДДИЙ КУНЛАРИ**

вур қилиш қийин. Шу боис унинг моҳияти ҳақида гапириб бериш учун Сурайё АШУРОВАга муроса қилдик.

— Аслида, ҳар бир аёл уйда ўтирса ҳам ижодкор бўлиши лозим, — дейди у. — Оддий овқат тайёрлашда ҳам у бутун маҳоратини намойиш қилмас экан, таом маззали чиқмайди. Шундан келиб чиқиб, маҳалла маслаҳатчиси учун ҳам ижодкорлик ҳар қадамда зарур. Оддий мисол. Бир оила бузилиш арафасида. Бунга арзимаган маиший иқри-чиқирлар, гап-сўзлар сабаб. Асаблар тараңг, ҳар икки томон ҳам жаҳл отига минганда уларга дакки бериб кўринг-чи... Сизни эшитиш тугул, кўчага чиқариб қўйишади. Бундай ҳолга тушмаслик учун келин билан алоҳида, қайнона, кувё билан алоҳида суҳбатлашишга, уларнинг феълидан келиб чиқиб, тилини топишга тўғри келади. Ана шу ҳам ижоднинг бир кўриниши бўлиб,

гни тўғри йўлга солиб ол, кейин ақл ўргатсан», деган маънодаги хатти-ҳаракатларни билдириб қўйишлари мумкин-да.

Аслида иш билан банд оилаларда турли гап-сўзлар, жанжаллар кам бўлади. Масалан, бизнинг маҳалламиз аҳолиси азал-азалдан новвойчилик билан шуғулланиб, ёнган нонлари билан машхур. Оилаларда ўсиб-ўлғаяётган болалар ҳам бу ерда меҳнатнинг қадрини, халол лўқма тазмини билиб катта бўлишади. Сабаби, новвойлик осон эмас. Бу иш билан бутун оила машғул бўлиши керак.

— **Маҳаллангизда хунарманд аёллар ҳам кўп бўлса керак?**

— Нафақат новвойлар, балки бошқа хунармандчилик билан шуғулланадиган аёлларни, ҳатто бошқаларни ҳам иш билан банд қилган аёллар ҳам талайгина. Масалан, Дилбар опа Туробова қандолатчилик цехи



кўриб турганингиздек, ҳозирги кундаги энг замонавий таълим масканларидан биридир, — дейди Насиба опа. Ўғил-қизларимиз етарлики сабоқ олишлари учун махсус тажриба хоналари, компьютер ва лингафон заллари шай турибди. Ўқувчилар сони 2476 нафарни ташкил этгани боис таълим 2 сменада олиб борилади. Шунингдек, бизда 37 та тўғарак мавжуд бўлиб, улардан 14 таси бошланғич синфлар учун, 15 таси юқори синф ўқувчилари ва 8 та тўғарак қизқишлар бўйича юритилмоқда. Собир Раҳимов туманидаги

**ТАЪЛИМ**

бир қаторда соғлом турмуш тарзига жалб этиш максатида: футбол, волейбол, баскетбол каби спорт тўғараклари ҳам ташкил этилган.

Биламиз, маънавият инсонни бошқа мавжудотлардан ажратиб туради. Аммо инсон қалбини инсоҳий нури бўлган маърифатга, айниқса, келажакимиз эгалари бўлган ёш авлоднинг маънавий тарбияси қандай бўлмоқлиги кераклигига бир жумла билан таъриф бериб бўлармикан? Ҳа, мана шу ниҳоятда долзарб вазифани амалга ошириш йўлида 243-умумтаъ-

**МАКТАБ ҲАМ**

Ватан остонадан бошланади, дейдилар. Мактаб-чи? Таъбир жоиз бўлса, мактаб ҳам кичик бир ватандир. Бу Ватаннинг «фуқаролари» бўлмиш ўқувчи ўғил-қизлар қандай муҳит ва қай шароитда ўлғаяётгани кўпинча шу маскан остонасига қадам қўйишингиз билан маълум бўлади. Шу боис Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 243-мактабда кишининг кўнглини чарогон этиб юборадиган бир ҳолатни пайқаш қийин эмас. Бу — озодлик ва тартиб!

Мактаб ҳовлиси шинам, тоза. Ўқувчилар юз фоиз мактаб либосида. Ҳар бир синф ёки гуруҳ етакчи муаллим ёки мураббий атрофида тўпланишиб, бирор ўйин билан машғул. Мактаб директори Насиба Нишоновна бизни қарши оларкан, бу билим дарсоҳи ичкарисидиғи ўзига ҳос саришталикдан яна бир бор лол қолдик.

— Мактабимиз аслида 1973 йилда ташкил толган бўлса-да,

**КИЧИК ВАТАН**

«Завқий» маданият уйи билан шартнома асосида тиқиш-биқиш, тўқиш, мунчок териш, пазандачилик, заргарлик, рақс каби тўғараклар ҳам ташкил этилган. Мактабимиз 1980 йилдан буён Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети билан ҳамкорликда ўзбек филологияси, математи-

ка-физика факультетлари билан мунтазам алоқада бўлиб, ўзаро тажриба алмашиб туради. Корейс маданият уйи билан ҳамкорликда эса икки йилдан буён корейс тили тўғариги ҳам фаолият юритиб келмоқда. Унда ўқувчилар корейс тили ва маданиятини ўрганишмоқда. Мактабда болаларнинг ақли, эзқко бўлишлари билан

лим мактабида макташга арзиғулик хайрли ишлар амалга оширилаётгани кўнгилларга ўзгача фахру ифтихор бағишлайди.

Шаҳноза РОФИЕВА, «Оила ва жамият» муҳбири.



**«ЎЗИНГДАН ҚЎЙМАСИН» ДЕГАНИ ЁЛҒОН**

...Онанинг кўнглига чироқ ёкса ёришмасди. Негаки, икки йилча аввал кипригида авайлаб ўстирган қизига ўз туғишган опаси совчи бўлиб келганида худонинг зорини қилиб ялиниб-ёлворди: «Опажон, иккимиз бир қориндан талашиб тушган жигарларимиз, ахир. Қандай қилиб қуда бўла-миз сиз билан? Йўқ, қўйинг, керакмас, беш бегонадан келин толайлик, мен қизимни беролмайман!»

Қайда, опаси охири кекса онасини етлаб келди, «онажон, ёлғиз ўғлимга ўзимизда қиз турганида бировларга ялиниб бора-йинми энди? Ўзингиз айтинг, қуда бўлайлик!» Она бечора қайда билсин, аввалига кичкина қизига яхши гапириб кўрди, кўнмади, охири қаттиқ уришиб берди, шундаям у майл билдирмади, охири жаҳл устида «агар опанг билан қуда бўлмасанг, мен сендай қизим йўқ, берган сунимга рози эмасман!» деб чиқиб кетди. На илож, ўзи тушунган аёл бўлса-да, онасининг раъйига қарши боролмади. Тўйга розилик берди. Лекин...

Бир ярим йилдан сўнг қизининг кўзи ёриди. Узда йўқ хурсанд бўлди. Лекин теваарак-атрофда яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳлар оқибатида ногирон чақалоқлар туғилаётгани ҳақидаги гап-сўзларни эшитиб, газеталарда ўқиб юргани учун кўнглида андаккина хавотири ҳам бор эди. Кўргани борди. Неварасини меҳр билан қўлига олиб эркалади. «Умри билан бергани рост бўлсин қизим, кўз тегмасин!» дея суюниб, уйига қайтди. Афсуски, чақалоқ уч ойлик бўлганидан кейин дўхтирма-дўхтир югуриш бошланди. Кейин билиб қолишибди, бир қўли ва бир оёғининг ҳаракати суст эмиш...

Ана шундан кейин онаизор учун уйқусиз тунлар бошланди. Шу орада тажрибали болалар шифокорларига ҳам кўрсатишди, улар битта хулосани қайтара қайта айтишди: «Қариндошлар

**ТУРМУШ САБОҚЛАРИ**

ўртасидаги никоҳ оқибатида...» Бу гапни эшитган кекса кампир ҳам, қайнона бўлмиш опанинг ҳам дарди ичида эди...

Ушбу воқеани қандай шарҳлаш, изоҳлашни билмайсан, киши. Чунки Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 16-моддасида никоҳ тузишга монелик қилинадиган айрим ҳолатлар кўрсатиб ўтилган. Жумладан, лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа ниҳода турган шахслар ўртасида, насл-насаб шарҳаси бўйича тўғри туташган қариндошлар, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида, ҳеч бўлмаса биттаси рўхият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лўақатсиз деб топилган шахслар билан никоҳ тузишга йўл қўйилмайди. Албатта, қон-қариндошлик муносабатлари яқин, тўғри, ёнлама, тўлиқ ва тўлиқ бўлмаганлик билан белгиланади. Бобота-ўғил-невара-чевара ва ҳоказолар тўғри қариндош хисобланса, ака-ука ва опа-сингиллар ёнлама қариндош дейилади. Аксарият ҳолларда ана шу мезонларнинг бузилиши оқибатида юқоридагидек нохуш ҳолатларга дуч келинапти.

Шу боис биз ҳам шаҳар ФХДё бўлими ҳузурида «Оила дорилфунуни» ташкил этиб, деярли ҳар галги амалий машғулотларга тиббиётчи, руҳшунос, тарбиячи, ҳуқуқшунос ва бўлғули келин-куёвларни, шу жумладан, ибратли оила вақилларини ҳам тақлиф этиб, кераклик йўл-йўриқ, фойдалли маслаҳатларни эшиттирамиз, баҳс-мунозара юритамиз. Ҳар бир йиғин ва машғулотлар ниҳоятда қизиқарли ва жонли руҳда кечади.

Венера РАҲИМОНОВА, Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳар ФХДё бўлими мудир.

**АЙБ АЁЛДАМИ?**

«Эрни эр қилинг», — 42-сон

Ушбу мақолани ўқиб, ўқитувчи аёлинг жасоратига таҳсинлар ўқидим. Шу баҳона мен ҳам бир дўстимнинг бошидан ўтган воқеани баён қилмоқчиман.

Унинг ўзи шундай ҳўқоя қўлган эди: «Укам оиласи билан хориғга ишга кетди. Шундан сўнг менинг хотиним ҳам укам орқали савдо-сотик қилмоқчи эканлигини айтди. Аввалига қаршиллик қилган бўлсам-да, бироқ кейинчалик бунинг нимаси ёмон деб ўйладим ва кетишига руҳсат бердим. Бизлар телефон орқали боғланиб турдик. Шу орада 4-5 йил ҳам ўтиб кетди. Ниҳоят, фарзандимнинг тўйига ҳамма нарсани тахт қилиб, аёлимни чақирсам, у келолмаслигини айтди. Сўнгра қуда-андалардан узр сўраб, тўйни ўтказишга қарор қилдик. Хайрият, у тўй куни зўрғ етиб келди. Орадан икки ой ўтгач, у яна «кетаман-га» тўшди. Уни олиб қолишга ҳар қанча ҳаракат қилмайин, фойдаси бўлмади. Уша куни яқинларимни йиғиб, унинг жавобини бердим.

Бир неча йил фарзандларимга ёлғиз оталик қилдим. Қайнонам ва онам ҳол-жонимга қўймагач, яхши бир аёлга уйландим. Биз фарзандли бўлдик. Хотиним шу кетганча қайтиб келмади. Мен иккинчи оилам туфайли ҳақиқий бахт нелигини тушуниб етдим».

Сизга ҳўқоя қўлган дўстимнинг ҳаётидан олинган шу воқеа туфайли аңгланган ҳақиқатим тоқти, ҳар қандай шароитда ҳам оилани сақлаб қолишда аёлнинг сабр-тўқати, ақл идроки ниҳоятда муҳим экан.

**МУНОСАБАТ**

Назар БОТИР, Самарқанд шаҳри.



### “ХАР КУНИ ҮН СОАТЛАБ ИШЛАГАНМИЗ”

Дилобар ўқишни тамомлаб жаррохлик фаолиятини 17-шаҳар касалхонасининг шошилинч жаррохлик бўлимида бошлади. Кунига ўндан зиёд операцияларда қатнашарди. Бу соҳанинг чиндан ҳам аёллар учун гоёт оғирлигини илк бор ана шунда англаб етди.

— Ишонасизми, жаррохлик гуруҳимиз билан операция хонасига бир кириб кетсак, 7-8, баъзан 10 соатлаб тик оёқда туриб ишлардик, — дейди Дилобар опа. — Ўша пайтлар тиббиёт ҳозиргидай ривожланмаган, шаҳарда санокли жаррохлик бўлимлари мавжуд бўлганлиги учунми, жуда шошилиш операция қилинадиганлар кўп эди. Кўпинча келтирилган беморлардан кимнингдир ошқозон яраси очилиб кетган, кимнингдир кўричаги ёрилган, яна биров автоҳалокатга учраган, ҳуллас, уларга фарқат шошилиш операция орқали ёрдам бериш керак эди. Шу тарзда бир неча йиллар ишладим.

Лекин менда амалиётда

### ШУНДАЙ ЯШАР ОДАТДА ОДАМ

#### ЭРКАКЛАРГА ХОС БЎЛМАГАН ДАРД

Дилобар Миррахимова билан суҳбатлашяпмиз, лекин қабулига навбатда турганлар кўпайиб қолганини сезиб, хижолат бўлдик. Шундан сўнг бошқа саволларга жавоб топиш ниятида ўзининг руҳсати билан амалий жараёнларни ҳам ўз кўзимиз билан кўрдик

**Манзура Каримова** (исми ўзгартрилди):

— Мен онколог шифокорлар рўйхатида турар эдим. Дилобар Миррахимова ҳақида эшитгач, хузурга келдим. Шу пайтгача мен ўзимда бирор онкологик касал хавфи бўлса керак, деган хавотирда эдим. Шифокор менда ундай касаллик йўқлигини, ҳозирги ҳолатим, климакс жараёнларининг кеч кузатилиши билан боғлиқ эканлигини тушунтирди. Биласизми, Дилобар опанинг ана шу бир оғиз гапини эшитиб, менда яна ҳаётга нисбатан қизиқиш пайдо бўлди. Шу пайтгача жуда тушун кай-

Албатта, маммологиянинг ўз қонуниятлари бор. Эътибор беринг, бундай кичкина тугунни олиб ташлаш керак. Чунки бу тугунларнинг хавфи ўсма касалликларга айланиш эҳтимоли йўқ эмас. Беморнинг юрак уришини, қон босимини назоратда ушланг.

У жуда энгил ҳаракат қиларди. Энг муҳими, меъдлага иш муҳити яратилган эди. “Мана, тугунни олиб бўлдик, эндиги вазифа қонни тўхтатиш ва операция ўрнини биланмайдиган қилиб тикиш”. Бу мураккаб ва нозик жаррохлик муолажаси роп-роса ўттиз минут давом этди...

#### ЖАРРОХЛИК ЭРКАКЛАР КАСБИ ЭКАН

— Биласизми, менинг охириқабат бундай ҳулосага келишимга фаолиятимнинг 23-24 йили жаррохлик, шунинг 14-15 йили факат кўкрак бези жаррохлиги билан боғлиқ кечгани сабаб бўлди. Чиндан ҳам жаррохлик — эркаклар касби экан. Гуруҳимиз-

# АГАР АЁЛ ЖАРРОҲ БЎЛСА...

Одатда беморга дардини энгилда ёрдам қўлини чўзишга тайёрлар борлигини ҳис қилдириш жуда муҳим. Бунини шифокорлик фаолиятининг асосий мезони деб ҳисоблаган қахрамонимиз қабулига келган ҳар бир бемор билан муолажани маънавий-руҳий кўмакдан бошлайди.

#### ЯХШИ СЎЗ — БИРИНЧИ МУОЛАЖА

— Кўп бора кузатганман, негадир, маммолог (кўкрак бези фаолияти билан боғлиқ хасталиклар шифокори) кўригидан ўтишга йўлланма берилишининг ўзи аёлларнинг юрагига гулгула солади. Шунданми, менга мушоаат қиларди беморларнинг кўзларида доим бир хил ҳолат: кўркув ва хавотирни кўраман, — дея сўз бошлайди Дилобар Миррахимова. — Шу боис биринчи қиладиган ишим бемордаги кайфиятни ўзгартриш билан боғлиқ кечеди. Чунки турли салбий ўй-хаёлларга асосланган тушун кайфият касалликнинг ривожланишида асосий омил ҳисобланади. Ундан беморни халос этмас эканми, касалликка қарши қўллаган муолажалар кутилган самарани бермайди. Бу борада менинг ўз шиорим эса шундай: **Яхши сўз беморни доволашда ҳар доим энг биринчи муолажадир!** Аввало, улар онколог(турли хил ўсма касалликларни даволовчи шифокор) хузурда эмас, балки кўкрак бези фаолияти билан боғлиқ хасталиклар шифокори кўригига келганликларини тушунтираман. Бу эса ҳар доим ҳам хавфи касалликлар билан боғлиқ эмаслигига ишонтириш билан беморни шубҳаю гумонлар исканжасидан қикариб, сўнг амалий ёрдам билан юрагидеги умидни қатъий ишонч ва яшашга бўлган иштиёққа айлантираман. Сўзининг буюк қудрати, яхши гапнинг таъсирини ана шу лаҳзаларда ҳис этаман. Бир пайтлар бекорга журналист бўлишга қизиқмаганими шундагина чқур ҳис қиламан.

## тиббиёт фанлари доктори, профессор Дилобар МИРРАҲИМОВА ҳаёти ва фаолиятига чизгилар

#### ЭНГ МУРАККАБ ЙЎЛЛАРНИ ТАНЛАБ...

Дилобар Миррахимова Тошкент шаҳрида туғилган. Ҳозирги Мирзо Улуғбек туманидаги 99-ўрта мактабда ўқиган. У синфда энг алоҳчи ўқувчи бўлиш билан бирга дарсдан бўш вақтларида “Гулхан” журнали қошида ташкил этилган “Ёш ижодкорлар” тўғарагига ҳам қатнашган. Ўша пайтларда “Гулхан”да ишлаган устози, шоир Темур Убайдуллодан бадиий ижод сирларини ўрганган ва унинг бир неча қиюялари журналда босилиб ҳам чиққан экан. Ушанда кўпчилик Дилобарнинг журналистика соҳасини танлашига ишонган экан. Очиги, ўзи ҳам мактабни битиргунга қадар журналист бўлмоқчи эди. Лекин ўзининг синфини тугатиш арафасида бу йўл унинг учун жуда осон бўлиб туюлди-ю, аслида энг қийин ва мураккаб касбни эгаллаши кераклигини тушунди. Чунки Дилобарга бирор бир масалада танлаш имконияти туғилса, ҳаммаша оғирроқ йўлни танларди. Негаки, қийинчиликнинг энгил учун одам изланади, ўқийди, янги маълумотлар билан билимини янада бойити, деб ҳисобларди у. Шу боис ҳеч иккиланмай ўзи мураккаб деб ҳисоблаган тиббиёт соҳасини танлади, ва Тошкент давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди. Охириги курсда турли касалликлар бўйича талабаларни ихтисосликка йўналтириш лозим эди. Дилобар бу соҳада ҳам мураккаб йўналиш — жаррохликни маълум қўрди.

Тўғри, жаррохлик аёл кишига оғирлик қилишини яхши билса-да, қароридан қайтмади. 6-курс субординатура ва бир йил интернатурасини жаррохлик бўйича ўтади.

ўрганганларимни илмий ривожлантириш истаги кучли эди. Уйдагилар билан бамаслаҳат аспирантурада ўқишга қарор қилдим. 1993-1996 йилларда аспирантурада ўтаб, ўпка шомлаши жараёнининг морфологик хусусиятлари бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилдим.

#### ЎЗИНГДАН ҚОНИҚСАНГ, ҲАРАКАТ ТЎХТАЙДИ!

Ҳар қандай шароитда ҳам қанча ютуқ, омад ва муваффақиятларга эришган бўлса қахрамонимиз Дилобар Миррахимова хотиржамликка берилмаган. Тиббиётда жаррохликдай оғир касб йўқлигини билган ҳолда, энди унинг аёлларга мос соҳасига ихтисослашиш истаги тинч қўймасди. Яна тинимсиз ўқиш, изланишлар бошланди. Ниҳоят, В.Вохидов номдаги ихтисослашган жаррохлик илмий марказида “Кўкрак бези касалликларида реконструктив қайта тиклаш операцияларининг янги йўналишларини ишлаб чиқиш” деган мавзуда иш олиб бориб, 2003 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Бу соҳада республикамизда мутахассислар кам бўлди. Дилобар Миррахимова ўзининг илмий ва амалий фаолиятида ўрганганларига асосланиб, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти жаррохлик ва болалар жаррохлиги кафедраси қошида “Клиник маммология” курсини ташкил қилди. Бу соҳа бўйича мамлакатимиз шифокорларига сабоқ бериб, яратилган янгиликлар, даволаш усулларида жохон тажрибаларини оммалаштирди. Шу билангина чегараланиб қолмай, мутахассис сифатида АҚШ, Буюк Британия, Германия, Шотландия, Франция, Хиндистон, шунингдек, МДХ мамлакатларида ташкил этилган халқаро анжуманларда аёлларнинг кўкрак бези касалликлари билан боғлиқ долзарб мавзуларда илмий маърузалари билан фаол қатнашди.

фиятда эдим. У кишига минг раҳмат!

**Хоразмлик Нодира исми аёл** ҳам кўкрак қафасидаги ўзгаришлардан шикоят қилиб келган экан. Шифокор аёлни республикада кам бўлган рақамли маммография аппарати ёрдамида текшириб кўргач, унга ҳеч қандай хавфи касаллик аломатлари йўқлиги, ўзгаришлар эса танадаги гормонал жараёнлар билан боғлиқлигини обдон тушунтирди.

Шу пайт Дилобар опанинг хонасига бир эркак кириб келди ва операция кунини белгилашни сўради. Бизнинг хайрон бўлиб турганимизни кўрган опанингни ўзи бу ҳолатга шундай изох берди:

— Бу албатта, кўпчиликни ажаблантиради, лекин эркакларда ҳам гинекомастия касаллиги, ҳатто кўкрак бези саратони ҳам учрайди. Бу бемор геникастия, яъни кўкрак безининг катталашшидан шикоят қилиб, ўтган ҳафта қабулимга келган эди. Ташхислар аниқ бўлгач, операция қилиш кераклигини айтдим. Аввалгига ўйланиб қолувди, ана энди операцияга рози бўлиб келибди. Мен бундай операцияларни косметик усулда, яъни имкон қадар ўрнини билантирмадан амалга оширишим боис эркак беморлар ҳам тез-тез қабулга келишяпти.

#### ЎТТИЗ ДАҚИҚАЛИК ОПЕРАЦИЯ

Дилобар опанингни жаррох сифатидаги фаолиятини операция жараёнида ҳам кузатдик. “Хавотирли жойи йўқ, насиб бўлса, ярим соатда тугатамиз”, — деди у беморнинг яқинларига. Операция бошланди. Унга ҳамширадан ташқари ординаторликни ўтаётган икки бўлғуси жаррох ҳам ассистент сифатида ёрдам бериб туришди. Жаррох қўлида скалпел билан ҳар бир қўлаётган ҳаракатини айтиб, изоҳлаб, издошларига тушунтирарди. “Бизнинг вазифамиз мана шу нўхотдек тугунни олиб ташлаш.

да аёл жаррохлардан фақат ўзим эдим, қолганларнинг бари эркаклар. Ҳамма жойда битта мен. Ҳозир фаолият олиб бораётган Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг жаррохлик ва болалар жаррохлиги кафедрасида ҳам аёл жаррохлардан фақатгина ўзимман. Қолаверса, аёлларнинг бу соҳада малакали бўлиши эркак жаррохларга ҳар доим ҳам ёқармайди. Балки маммология йўналишини танлашимга ҳам шу сабаб бўлгандир.

#### УЙДА ЭСА... ҚЎЛИ ГУЛ БЕКА

Дилобар Миррахимова тажрибали шифокор, қўли энгил жаррох бўлиш билан бирга рисоладагидай оиланинг бекаси, икки фарзанднинг онаси ҳамдир. Ўгли Акмалжон Тошкент иқтисодиёт университетининг бакалавр босқичини тамомлаб, магистратуранга Германиянинг Дортмунд техника университетида давом эттирмоқда. Қизи Маликахон этди ёшда. Бу йил мактабга қатти.

— Менинг жамиятдаги ишим, оналик масъулиятим, бекалик ташвишларим билан ҳисоблашмайди. Уйга келгандан кейин мен профессор ёки хирург эмас, ҳамма аёллар қатори оддий хонадон соҳибаси, рафиқа, онаман. Касбим ўз йўлига, ҳар доим мен учун оила устун бўлиб келган, турмуш ўртоғим билан болаларимизнинг тарбиясига, келажагига жиддий эътибор қаратаман. Айниқса, ўзим бу борада ташаббусни қўлимга олиб, уларга кўпроқ вақт ажратишга ҳаракат қиламан. Ўғлимни кичкинчилигида дарсдан кейин, шахмат тўғарагига, сузиш секциясига, мусиқа мактабига, хорижий тил ўрганиш курсига олиб борардим. Мана, энди ўша пайтдаги чеккан заҳматларим эвазига ўзининг ўрганганлари фақат фойда берапти. Ҳозир қизим Маликани ҳам дарсдан кейин хореографияга, мусиқага, шахмат тўғарагига ўзим олиб бораман. Бўш вақтларимда дугоналарим, дўстларим билан учрашиб туришим, яқинларимдан хабар оламан.

**Назира ҚУРБОН,**  
“Оила ва жамият” муҳбири.

Юнусобод туманидаги «Умр» номли ногирон-фалаж болалар ва ўсмирларга ёрдам бериш жамоатчилик марказидаги болалар касб-хунар эгаллашга жуда қизиқишади. Биз буни болаларнинг устaxonада берилиб хунар ўрганишларидан билиб олдик.

— Бугун марказимизда байрам бўлапти. Раҳбаримиз Ҳамида опа ҳозир келади, — дея бизга пешвоз чиқди, бўйи ёшига нисбатан кичикроқ бўлган бир қиз.

— Исмингиз нима? — юзланаман унинг ёниб турган кўзларига боқиб.

— Хуршида.

— **Неча ёшдасиз?**

— 16 да.

— **Марказга қачон келгансиз?**

— Уч йил бўлди.

— **Ҳозиргача нималарни ўргандингиз?**

опичлаб олардим. Одамлар орасида юриш менга жуда-жуда оғир эди. Зафаржонни олиб, автобуга чиқсам, ҳамма бирдан менга ачиниб қарар, то тушиб кетгунимча барчанинг нигоҳи боламда бўларди. Ўғлимнинг соғлиги салгина яхшилангач, уни Собир Раҳимов туманидаги 106-кар-соқовлар мактабига бердим. Бешинчи синфгача ўқишга ҳар кунни ўзим олиб бориб юрдим. Кейин бир ўзи бориб келишга ўрганди. Уша пайтларда болам тузалиб кетса, ногирон болаларга қўлимдан келгунича хизмат қиламан, деб кўнглимга тугиб қўйгандим. Секин-аста ўғлим ўз танасини тутишни ўрганди. Унга ўшлаган болаларни уйимга чорлаб, хунар ўргата бошладим. Дастлаб Зафарнинг қўлига игна-ип берганимда, у тез чарчаб

бари Рустамжон Тошматов уларнинг санъатта бўлган қизиқишларини ривожлантиради. Дарвоқе, Ҳамида опанинг айтишича, Рустамжоннинг ўзи ҳам болалигида... У билан сўхбатлашадиганимизда шу ҳақда гап очилгандаёқ, кескин оҳангда:

— Келинг, опахон, ўтган кунларни эсламайлик, яхшиликлардан гаплашайлик, хўпми?— деди.


— **Кўнглингизга нелар таскин беради, нималардан ранжийсиз?**

— Энг муҳими, атрофимда мени тушунадиган дўстларим, севган ёрим бор. Аммо баъзан кўча-қўйда юганимда болалар қолиб, катта одамлар ҳам бармоқларини бизгиз қилиб мени кўрсатиши дилимни оғритади. Қанийди, шундайлар фарзандларига бизнинг ҳам соғлом ин-

симига тегиб кетганман. Ток уриб, овозим бўғилиб қолган. Тиниқ гапира олмайман. Лекин Ҳамида опага раҳмат, бизларни ўз фарзандидай яхши кўради...

— Юнусободда шундай марказ очилганини эшитиб қолиб, уйдагиларимни хол-жонига қўймадим, — дейди 17 ёшли Шаҳноза исмли қиз. — Бу ерда қанча дўстлар орттирдим. Албатта, ҳаммасининг дарди, дунёси бир. Бир-биримизни юракдан тушунаемиз. Ишонасизми, шу ерга келсам, дардларимни унутаман. Қасаллик ҳақида эса умуман ўйламайман. Ўз қўлим билан тиккан нарсалар кимгадир завқ бағишлашни кўрсам, суюнаман.

— Мен билан ҳам сўхбатлашинг, опа-



# ҲАМИДА ОПАНИНГ «УМР»И

— Нимчалар, турли елпигичлар тикишни. Кейин тувакчалар учун бисердан гул тўқишни. Яқинда олти дона гиламча тўқигандим, ойим ишхонасига олиб борган экан, ҳамкасблари талашиб сотиб олишибди. Ойижоним ўша гиламчаларнинг пулига ўзимга керакли нарсалар олиб берди.

— **Хунар ўрганиш муолажа жараёнига ҳалақат бермайдими, чарчаб қолмайсизми?**

— Гипертериоз касаллигига чалинганман. Бўйимни фақат сунъий йўл билан ўстириш мумкин экан. Бунинг учун доимо дори ичишим, зарур муолажаларни олишим керак. Аслида, ойим ҳам, дадам ҳам баланд бўйли. Иккита акам бор. Улар менга жуда яхши муносабатда бўлишади.

— **Ҳозир нима билан бандсиз?**

— Кўзойнак соладиган гилоф-идишча тўқияпман...

## эзгуликка, сабр-матонатга йўғрилган



қолар, кўп ўтиришга қийналарди. Орқасига ёстиқчалар қўйиб, гилам тўқишни ўргатдим. Бора-бора дастгоҳ олдида бемалол ўтиришни ўрганиб олди. Болаларига хунар ўргатишимни илтимос қилиб келувчи оналар кўпая бошлагач, уйимиз торлик қилиб қолди ва Юнусобод туманидаги ўқувчилар ижодий марказидан учта хонани олдим. Мана энди шу жой болажонларнинг сеvimли масканига айланди. Айтганча, сизга яна бир янгиликни айтмабман. Яқинда Зафаржонни уйлантирдик. Мана бу гўзал қиз — менинг келиним, — дея Ҳамида опа Зафаржоннинг олдида турган келинчакни ёнига имлаб чакирди.

— Келиним жуда фаросатли, ақли-хушли. Уй юмушларини тўрт мучаси соғлом қизлардан ошириб бажаради. У ҳам Зафаржонга қўшилиб гилам тўқишни ўрганиб олди.

Бу ердаги болаларнинг деярли барчаси ўзига хос иқтидорга эга. Мусика раҳ-

жон, — дейди баланд овозда бошқа бир қиз. Хали у ёққа, хали бу ёққа ўтиб эътиборимизни тортишга ҳаракат қилаётган бу қизнинг исми Севара бўлиб, турилганида оёқлари қийшиқ бўлгани учун умуман юрولмаган. Тинимсиз муолажалар натижасида оз-моз ҳаракатланадиган бўлибди. Унинг ҳам хунар ўрганишга астойдил бел боғлаганини ва бир қанча ютуқларга эришганини эшитиб, хурсанд бўлдим.

«Акамнинг, укамнинг пайпоқларини ўзим тўқиб бераман. Улар мени яхши кўришади», деди у чиройли нарсалар ҳақида гапираётганидан қувониб.

Навбат тахтачага мослаб қўйилган матоларни ранг-баранг иплар билан безаётган заргар қизга келди.

— Исиминг Махлиё, Қашқадарёдан келганман. Аслида мен соғломман. Тошкентда акам оиласи билан яшади. Янгам ҳам, акам ҳам кундузи ишда бўлишади. Уларнинг фарзандларига қарашли тургани келгандим. Шаҳноза билан қўшимиз. У бир кунни ўзи тиккан чиройли нарсаларни менга кўрсатган эди. Шу-шу қизиқиб қолдим. Икки ой ичида кўп нарсга ўргандим. Мана бу бисерлардан кўл телефонни соладиган сумкача тўқидим. Чойнақтўшлар тикиб, кейин уларни безаб чикдим. Энди елпигич тикаяпман. Худо хоҳласа икки кунда тугатаман. Чеварлиқнинг кўпгина сир-асорларини шу ердаги қизлардан ўрганаёпман...

— Марказимиз анча танилиб қолди. Аммо бир армоним бор, — дейди Ҳамида Ҳамидова. — Мана бу деворлардаги гиламчаларни шу болаларим тикканга айримлар ишонмайди. Лекин қаранг, қандай гўзал ва бетакрор яна қанча тайёрлаб қўйилган ишларимиз бор. Уларни сақлаб ўтирган билан фойдаси йўқ. Шу бос беминат ва бегараз, чин дилдан ҳомилийк қилмоқчи бўлган инсонлар бўлса ҳамкорлик қилишга тайёрман. Мен ҳам тақдиринг оғир синовларини мардонавор енгаётган иқтидорли ўғил-қизларимиз меҳри, маҳорати, юрак кўри сингган бетакрор ижод намуналарини кўргазмаларда намойиш этилишини чин дилдан истайман.

Ҳа, «Умр» деган эзгу номига муносиб тарзда фаолият юритаётган бу марказ аъзоларига тилагимиз шу: илоё, умр йўлларингиз нурафшон бўлсин!

**Нигора РАҲМОНОВА,**  
«Оила ва жамият» муҳбири.

**Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига беминнат хизмат кўрсатиб, уларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиб келаётган Тошкент шаҳридаги 2519 - автожамланма давлат корхонаси маъмурияти «Д» тоифали ҳайдовчилар ҳамда чиптачиларни**

## ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!



**Ойлик маошлар қуйидагича:**

Ҳайдовчилар учун **550 000** дан юқори.

Чиптачилар учун эса **220 000** дан юқори.

Шунингдек, автожамланма қошида ташкил этилган махсус ўқув курсида «Д» тоифали ҳайдовчилар ҳам тайёрланади.

Ўқиш муддати 6 ой.

**Ҳайдовчилик курсларида ўқишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

1. Паспорт кўрсатилди ва 2 та нусхаси тақдим этилади.
2. Ҳарбий билет (нусхаси тақдим этилади).
3. 3x4 сурат (10 дона)
4. Тиббий маълумотнома (3-сон шаҳар клиник шифохонаси)
5. «В», «С» тоифали ҳайдовчилик гувоҳномалари (нусхаси) албатта тақдим этилади.

**Қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:**  
Тошкент вилояти, Кибрай тумани, Авайхон кўчаси, (Собиқ Иркутск) 20-уй.  
**МУЎЛЖАЛ:** Қорасув 6. **ТЕЛЕФОН:** 266-38-31

«Дадаси, яна икки кило гўшт, кейин менга бугунгаям биронта такси гаплашиб беринг». Қўли чаққонроқ дастёр бўлса яна яхшийд. Ёрдამчи топилмас, қийналсам ҳам ўзим бир илож қилиб эпларман.

— Қанақа такси, яна нега гўшт керак бўл қолди сенга? Кечагина олиб келгандим-ку, — ўзини жаддан зўрга тийиб гапирди эр.

— Хар қалай, қуданикига самосвалда бормайман-ку! Бирон-

эрининг ваҳоҳат билан столни мушглаб айтган шу гапидан сўнг хотиннинг шашти сал пасаиди.

— Энди нима қилайлик, хўжайин? Энинг удуми шу, бузолмайсиз-ку! Иккимиз этгунча эплаштирайлик. Қирқ кун ўтмай қолмас.

— Қанақа удум?! Бу удум эмас, иллат, бидъат! Бу уч-тўртта босар-тусарини билмайдиғанларнинг ўйлаб чиқарган қилиғи. Эсингда-ку, биз ҳам бир пайт-

бирдай мўл-қўл, топарман-тутармон эмас-ку? Ҳам қиз бериб, ҳам харажат-чиқимга қолган ота-онанинг айби нима?

Келиннинг бир ўйни кўйлагу пальто, бир ўйни жемперу халат, бир ўйни минг тусдаги сочиқ-дастурхонлар, тунги либослар билан тўлдиришга мажбур эканлиғига не дейсиз? Шунча либослар учун «кўрғазма маникет» топиб, яна кунига ижара

## МУНОЗАРА

«сендан нима орзу-ҳавас кўрдик, деб пичингу таъна қилди», деб жавоб беришди.

Ахир, эл дегани бизнинг ўзимиз-ку? Шу улус аҳлига ташқаридан биров келиб, «шундай тартиб-қоидаларга амал қилма-санглар, жазолайман» демайди-ку? Икки йил бўлди, синглим қиз узатди. «Юз очди» маросимнинг

# ҚИРҚ КУНЛИК ЙЎҚЛОВ

## ёки қиз узатганининг «жазоси»

та энгил машина гаплашарсиз. Маҳалласининг бошида туриб, шофёрдан киритиб юборақоламан. Ўзимга ўнғайсиз. Гўштга келсак, кечаги гўштининг ярмидан «нонушта йўқлов»га варақи сомса пиширдим. Ярминини тушлиқда мантигами, димламагами ишлатарман. Етмасаям еткизи-и-б, «кечки йўқлов»га эплайман. Қолаверса, девзира гуруч ҳам бир ошликка қолган, холос...

— Ўша тушлиқда пиширайдиган мантидан ошга ҳам олиб қола қол. Ахир шунча гўштни икки кунда тугатаверсанг... мен бу аҳволда уйимни тополмай қоламан-ку!

— Вой, дадаси-ей, мунча қизишасиз. Ўзимизга бўлса шу гўштни ўн кунга ҳам бемалол етказаман. Бу дастурхонлар куёвга, қуданикига, ахир! Юборадиган нарсамиз рисоладагидек бўлмас, қизимизнинг тили қисилади. Шуням уйлайсизми? Ахир қиз узатиш, тўйдан кейинги қирқ кунлик йўқлов уйинчоқ эмас-ку?

— Э, нега энди қизимизнинг тили қисиларкан? Бирор айби бўлмас, ақли, ҳусни жойида, одоби ҳавас қиларли, яна нима керак? Шу уч маҳал йўқловларингни деб, бошимдан оёғимгача қарзга ботиб кетаман шеклиди, — энди ростакамга жаҳли чикди эркакнинг. Хотини эса яна қўшиб қўйди:

— Мунча жаҳд қилаверманг. Нима, шу менга ҳавасми?! Қуданикига нари борса, биттагина тоғора юбораёлман, холос. Ёнида саватда мева-чеваси, қулоттирилган сугу ширинлигини жа-а ўрнига қўйиб қўймайман.

— Барибир, тушун, мен ҳозир қуданининг бутун бир маҳалласини боқишга қодир эмасман, —



лар куёв бўлганмиз. Укаларимни уйлаб, келин туширганмиз. Ота-бобомиздан бунақа русум қолмаган. Хотин, бугундан бошлаб куда томонга уч маҳал ҳам, бир маҳал ҳам дастурхон жўнатмаймиз, тамом!..»

Азизлар, бу ҳаётини лавҳа ҳажвия ёки бадийий тўқима эмас, балки Андижондаги оддий хонадонлардан бирида бўлган воқеа. Тўғри, одатда водийда аввал ҳам янги узатилган қиз тушган хонадонга ҳар ўн-ўн икки кунда дастурхонлар юборилган. Лекин ҳозиргидек кунига уч маҳал, нонуштасига узум, қаймоқ, гўштли нон, нўхат, иссиқ сомса, ҳатто термосда маставагача жўнатиш русуми қайдан чикди, кўпчилик ҳайрон? Тушлиқка бир тоғора манти, кечки овқатга пўстдумба ва туҳум босилган сергўш девзира гуручли палов-чи? Ҳўп, борга бор дунё, лекин ҳамма

тўлаши-чи? Сеп қирқ кунда йиғиладиган бўлса, бунча маникет ижараси неча сўмга тушишини тасаввур қилаверинг. Шу кунда бу дабдабага икки-уч жамланма мебел олиш ҳам қўшилди. «Ота кўрди»даги телевизору холодильник, қизга тилло тақинчоқлар... Нима, қиз туққаннинг, қиз боққаннинг жазосими, бу? Ўша келин туширган хонадон ҳам эрта-индин қиз чиқариши мумкин-ку? Хўш, шунча сеп-сидирги билан фарзандини узатган эрхотин энди қирқ кунгача «куёв йўқлов» (яна кунига уч маҳал ҳам бор)ни қанда қилмаслик одати қаердан пайдо бўлди? Мен юқоридаги аламли ва оғриқли саволларни жуда кўп аёлларга бериб кўрдим. Уларнинг аксарияти «тўғри айтасиз, лекин элда бу удум одатга айланиб бўлган. Бажармасак, қизимиз ўқийди. Қайнона-қайнотаси

эртасига борган йўқловга саҳарда қайнотанинг ўзи чиқиб, «бундан кейин тўхтатинглар, овора бўлиб пишириб, тайёрлаб, кўтариб келган дастурхонингизни қайтариб юбурсак, хафа бўла-сизлар. Аммо иложим йўқ, кейингиларини қайтараман. Мен ношукр кимсалар ўйлаб топган бидъатга эргашиб, эркакларимизнинг қарзга ботишини, охи-роқибат гуноҳга қолишни хоҳламайман. Шу кунгача ҳам шукур, кунда қозонимиз қайнаган. Келин энди ўз фарзандимиз, уни ўзимиз боқиб олармиз. Бизга унинг ақл-одоби, фаҳму фаросати энг яхши сеп, йўқлов» дебди.

Ишонинг, отахон ростдан ҳам айтганини қилди. Тушлиқда борган йўқловни бир соатга қолмай, таксида ўзи ташлаб кетди. Ростини, синглимнинг оиласи бундан сира хафа бўлмади, қайтага суюнди. Ҳозир шу жияним Маҳсума фарзандли бўлди. Жуда аҳил, иноқ яшапти. Қудаларнинг бири-бири билан муомаласи, иззат-ҳурмати ҳам ҳавас қилгулик...

Биз бугун биргина «қирқ кунлик йўқлов» ҳақида фикр юритдик. Аслида бундай қруққ ўйлаб топилган «удум»лар дабдабозликдан иборат «Чақирди», «Бешик тўйи», «Суннат тўйи» каби маросимларимизда ҳам исталганча топилади. Фақат бир нарсадан ҳайрон қоласан киши: ахир, ҳар қандай иллат, бидъат битта бўлса ҳам кўп-ку? Нега шунини тушунмаймиз?

Замира РЎЗИЕВА,  
«Оила ва жамият»  
муҳбири.

## «ЭНГ ЗУККО ОИЛА»

### ФИКР БЕЛЛАШУВИГА МАРҲАМАТ!


#### 1-САВОЛ

Дунёда энг кўп жонивор яшайдиган жой қаерда ва у нима деб номланади.

#### 2-САВОЛ

Икки хил гул бор: бири фақат тонгда, бири эса фақат шомда очилади. Бу гулларнинг номини айтинг.

Ғолиблар учун таҳририятнинг махсус совғаси бор.



**АЙЮХАНОС** — бу сўзни «айюханнос солди» — шовқин-сурон кўтарди, вой-дод солди маъносидан аёнлаймиз. Лекин Навоий асарлари лугатида таъкидланишича, бу сўз арабча бўлиб, «эй, одамлар!» деган маънони билдиради.

**НОСИР** сўзи форсча бўлиб, ёрдам берувчи, ёрдამчи маъносини англатади.

**ТУМБОЧКА** — Изохли лугатда изоҳланишича, бу сўз (нем. tumba > лот. Tumba — қабр < юн. tumbos — дўнглик, тепалик)дан келиб чиқиб, тумбочка — тумбанинг кичрайтирилганидир. Тумбочка — ичига ва устига нарса қўйиладиган кичкина, пастак шафча.

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

# ДУНЁДАГИ ЭНГ УЛУФ БАХТ



Мамлакат опа ишини тугатиб, кўчага чиққанда қош қорайиб қолганди. У кўпкватли уйларни оралаб бораркан, икки-уч ўсмирнинг деворга суяниб, сигарет тутатиб турганини кўрди. Опага кўзлари тушган болалар шоша-пиша қўлларидеги тамакинни ташлаб, оёқлари билан босиб-босиб ташлашди ва не қилишини билмай ер чизиди. Ниҳоят: «Здравствуйте, тетя Мая!» — деди улар орасидан дадилроқ, сариқ сочли, буйдорроқ бола. Мамлакат опа саломга алик оларкан, қафтини юзига қўйганча бошини сарак-сарак қилди-да: «Онанг касал бўлса-ю, сен нега кўча-

да ўтирибсан, Юра? Тутун билан танангни заҳарлагандан кўра, фойдалироқ иш билан шуғулланганларингда, бир-икки сўм ишлаб, уйдигиларингга фойдаларинг тегади», — дея танбех берган бўлди уларга. Болалар бошларини ерга эгганча, ўнғайсиз вазиятдан чиқиш учун «Мая опа»ларининг қўлидаги тўрхалтасини олиб, сўнг беихтиёр унга эргашиди. «Эртага маҳаллага чиқинглар, гап бор!» — деди опа улар билан хайрлашаётиб, кейин йиғитларга қайта-қайта тўғри уйларига боришларини тайинлади...

Эрталаб Мамлакат опа уларни идора олдига кўриб, кўнгли ёришди. Ўсмирнинг иккисини фаол аёлларга қўшиб, маҳалладаги якка-ёлғиз, ногирон ва ёрдამга муҳтож одамларнинг ҳолидан хабар олиб келиш учун жўнатди. Айримларига эса ҳикматли иборалар ёзилган плакатларни маъносига қараб, деворларга осиб чиқишни топширди...

Бу — уларнинг рўҳига таъсир қилиш, оқу-корани таниб, ҳаётда тўғри йўлни топиб олишлари учун опа қўллаган усул эди. Зеро, унинг бундай сабоқлари ҳеч қачон натижасиз қолмаган...

Ҳа, Мамлакат Йўлдошевани Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри 12-сонли «Жумо»

маҳалласи фуқаролари ўзларига раиса этиб сайлашганда опанинг аввало барча миллат вакиллари билан тиллаша оладиган, уларнинг урф-одатларини билган ҳолда кўнглига кира оладиган «моҳир рўҳшунослик сифатини ҳам ҳисобга олишган эди. Опа ҳам дастлаб ишни оилалардаги муҳитни, уларнинг «кам»-у «бор»ини ўрганишдан бошлади. Тўғри, маҳалланинг уч мингга яқин аҳолиси юқини елкага олиш осон бўлмади. Ҳар бир оиладаги иқлимнинг мўътадиллиги у ерда вояга етаётган болаларнинг, ёшларнинг тақдирини учун, қолаверса, юртнинг келажаги учун муҳимлигини бир лаҳза ҳам эсидан чиқармади. Маҳалла маслаҳатчиси Жумагул Ихлосова, посбон Ҳасан Тўқбоев, котиба Фотима Насриддинова ҳамда фаоллар билан биргаликда кўпкватли билан йиғирма чоғли иш-сиз юрган йиғитлар «Максам Чирчиқ» очик акциядорлик жамиятига, кўпчилик қизлар «Дайин Мергатеко» Корея-Ўзбекистон қўша корхонасига ишга жойлаштирилди. Мамлакат опанинг бева-бечоралар учун «қуйинчак»лиги шу маҳалла худудидаги «Браво» кафеси бошлиғи Игорь Урозали-

  1. Инглиз тили, рус тили, араб тили — сўзлашув гуруҳи (50 000 сўм)
  2. Турк тили, хитой тили ва корейс тили (100 000сўм)
- Дарсларни конкурсларда гофибликни кўлга киритган тажрибали мутахассислар олиб боради. Тингловчилар тест орқали танлаб олинади. Қабул ҳар кун соат 09:00 дан 17:00 гача. Ўқув маркази раҳбарияти дарсларнинг сифатини кафолатлайди. Тингловчилар ўқитувчини танлаш имкониятига эга. Вилоятдан келганлар ётоқхона билан таъминланади. Машғулотлар гуруҳлар тўлишига қараб бошланади.

МАНЗИЛ: «Хадра» меҳмонхонаси, 6-қават.  
 МЎЛЖАЛ: Тошкент давлат цирки биноси ёнида.  
 Тел.: 244-26-09, 244-26-34.

Сувнинг турлари кўп. Унинг энг яхшиси тиниқ ва энгилдир. Аммо шунга қарамай...

**Ёмғир суви** — энг фойдали сувдир. У овқат ҳазм бўлиши ва аъзоларга етиб боришига ёрдам беради. Танада сувоқлиқни сақлаб, мувозанатда тутиб туради.

**Булоқ сувининг эса** иссиқ ер ёки тошлоқ жойдан чиқаётгани фойдали. Бундай булоқ сувларининг ҳарорати унинг қўёшда исигани ҳамда шамол йўлида бўлгани туфайлидир. Шу сабаб, шимолий, шарқий ва жанубий шамоллар йўлидаги булоқ сувлари унчалик яхши эмас экан.

**Кўлмак (оқмас) сув** зарарли. Уни ичиш мумкин эмас. Бундай сув истеъмол қилинса, талокни шиширади, истиско, тельбалик, бавосир, ўсмалар ва инак яраларига олиб келади.

**Маъданли сувнинг** ҳам барчаси яхши эмас. Бу сувнинг темир моддасига бой ерларда чиқаётгани қорин бўшлиғи аъзоларини мустаҳкамлайди, ошқозон фаолияти сувайганда ёрдам беради, жинсий қобилиятни кучайтиради.

**Денгиз суви** иссиқ ва ўткир табиатта эга. У ошқозон учун зарарли бўлиб, умумий қувватни сувайтиради. Баданга суртилса, иситида. У хилт моддасини эриктириб, танадан чиқариб юборади. Асаб касалликларига яхши фойда беради. Совуқдан ёрилиб кетган аъзолар денгиз сувида тутиб турилса, шифо топади. Агар денгиз сувида ҳуқна (клизма) қилинса, ичакларни иситида ва қорин оғриғида ёрдам қилади.

Тошма, қичима, сут бези ўсмаси касалликларига денгиз сувида ювинишса, шифобахш таъсир ўтказида. Қизиқ кетган терини соватди. Денгиз сувида бир неча кун кетма-кет ювиниш эски хасталикларда фойда қилади. Денгиз сувининг булган эса истиско ва қулқоқ оғриғида самарали воситадир.

**Совуқ сув** жинсий қобилиятни сувайтиради. Бирок у овқат тез ҳазм бўлишига ёрдам беради. Кўп терлайдиган одам совуқ сув ичса ёки унда ювинса, ниҳоятда фойдалидир. Пешобни тутолмаслик, бурундан, ошқозон ва ичак яраларидан кўп қон кетишида, хигилдон қайнаши, иситма билан кечадиган касалликларда шифобахш таъсир

кўрсатади. Совуқ сув милкларни мустаҳкамлайди. Бундай сувдан ичилса ёки унда ювинилса, тошма, қичима, кекириш ва оғиздан ёқимсиз хид келганда фойда беради. Агар винога қўшиб ичилса, тер хидини йўқотади. Овқатдан кейин ичилган хом сув ошқозонни мустаҳкамласа-да, уни наҳорга ичиш мумкин эмас. Шунингдек, ошқозон

кўпайтиради. Табиати совуқ хасталикларнинг барчасида шифобахш таъсир кўрсатади. Асалли сув қуйидагича тайёрланади: бир қисм асал уч қисм чучук сувда то сувнинг учдан бир қисми қолгунча қайнатилди. Қайнатилгач, донадан ўтказиб сузилади.

Умуман олганда эса, халқ таъобати наҳорга ва ҳаммомдан чиққач, совуқ сув ичишни

бу», дея тўғри изоҳлаган эди.

**Бир ҳисобдан кўп сувоқлик истеъмол қилишнинг фойдали томони бор** — организмда, бўғинларда туз йиғилмайди. Бундай одамлар бўғинларда пайдо бўладиган туз касалликларидан хавотир олишмасин. Бирок ҳар қандай ёмон нарсанинг яхши томони бўлганидек, кўп сувоқлик танадан тер ва пе-



фаолиятни суст, камқувват ва ҳолдан тойган одамларга ҳам совуқ сув истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

**Муздак сув** асаб касалликлари ва ўсмалар ҳосил бўлишини кучайтиради юборади. Бирок иштаҳани очади ҳамда ошқозонни мустаҳкамлайди. Қизиққон одамларга ниҳоятда фойдали, бирок жинсий қобилиятга зарари бор.

**Иссиқ сув** овқат ҳазм бўлишини сувайтиради ва ташналиқни қондирмайди. Истиско учун зарарли, юрак ва ошқозонни заифлаштиради. Ҳаммомда иссиқ сувда ювиниш сочини оқартиради, лекин кўкрак учун фойдали. Ҳайз қони ва пешобни кўпайтиради, оғриқларни қолдиради. Табиати совуқ бўлган хасталикларнинг барча кўринишлари фойдали.

**Асалли сув** ошқозон табиати совуқ бўлганда ёрдам беради, иштаҳани очади ва пешобни

таъқиқлайди. Зотан, ҳар иккала ҳолатда ҳам ошқозон-ичаклар ортиқ-иссиқ ҳолатда бўлади. Ахир қизиқ турган шиша идишга совуқ сув солинса, нима бўлишини ўзингиз ҳам яхши биласиз. Қолаверса, қадимги замонларда йирек тошни парчалаш учун аввал гулханда қиздириб, кейин устидан совуқ сув қуйилганини эсланг. Анаям инсон ичаклари шунчалик чидамли экан!

**Баъзи одамларда тана сувсизланиши ҳолати бўлади.** Улар одатда кўп терлайди, ниҳоятда чойхўр. Кексалар нега кўп чой ичишини сабабини ҳам энди тушунгандирсиз? Тўғри, чой ичишга ҳамманинг ҳақи бор. Лекин, нега энди ёшлар, ўрта ёшлар эмас, балки «оталар чойхонаси» деб аталашининг боисини ҳам ниҳоят англаб етгандирсиз? Наманганлик машҳур шоирлардан бири кексалликни «Нами қочган бададир

шоб кўринишида чиқиб кетиши орқали ўзи билан бирга организм учун зарур бўлган фойдали тузларни ҳам ювиб кетади. Оқибатда чойхўр, сувхўр одамлар сурункали силла қуриши дардига мубтало бўлишади. Бунинг давоси — кучли, бақувват таомлардан истеъмол қилиш, албатта. Аммо қизғин шундаки, сувсизландиган одамларда иштаҳ бўлмайди. Улар доимо шўр, аччиқ нарсалар ва сиркага муҳтождирлар.

**Кўп терлайдиган одамларнинг** тана ҳарорати одатдагидан сал юқорироқ бўлади, сувоқлик шу тафти босиб туриш учун керак. Бундай кишиларнинг юраги нафақат саунани кўтара олмайди, балки уларга ҳаммомнинг ўзи ҳам оғир юк. Бундай инсонлар таналари қизиқ чик-чак, бир коса совуқ сув ичмай иложлари йўқ, чунки, «қувурлар» — ичаклар ёниб ётибди-да! Бу зарарли одат, албатта.

**Чой ичмайдиған**, «Мен ош ёпман, мастава ичаётганим йўқ», дейдиган одамлар ҳам учраб туради. Бу жигатдан улар юз фоиз хақ. Чунки чой таркибидаги баъзи моддалар ҳар қандай таом таркибидаги фойдали моддаларни ювиб кетади. Айрим кексаларимиз ошдан кейин бироз ўтгач, бир коса совуқ сув ичиб жуда тўғри қилишади.

Чой — фойдали озуқа, аммо ҳамма нарсда бўлганидек, унда ҳам меъёрни билиш керак. Уни овқат билан эмас, балки алоҳида ичган маъқул. Бунинг ҳам ўз йўли бор, албатта. Халқ таъобати чойни, умуман, сувоқлиқни бирданга ютоқиб, симириб ичишни маслаҳат бермайди. Аксинча, оз-оздан, хўплаб ичишни тавсия қилади.

Қадимги Хитойда «**Янги чой — дори, эскиси — захар**» деган ибора бўлган бежиз эмас. Чунки туриб қолган чойда фойдали моддалар йўқолиб, зарарлилари пайдо бўлар экан. Ана шу сабабли ҳам саратон жазирамасидан қанчалик ташна бўлманг, рўпарангиздан чиқиб, «яхна чой» тутадиган, одамларнинг «ҳиммат»идан фойдаланишга ошиқманг. Бу чой қанча вақт туриб қолгани номаълум, пул дардида туриб қолган чойнинг икки-уч кунлигини берадиган ноинсофлар ҳам топилиб қолиши мумкин.

Шу ўринда мавзуга доир бир ривоят келтириб ўтсак. Тошкентлик билан фарғоналик «Чойни қайси биримиз яхши дамлаймиз?» деб бахslashлиб қолишибди. Шунда бир гуруҳ одамлар йиғилиб, «Биз ҳақам бўламиз, хунарингизни ҳўрсатинг!» — дейишибди. Тошкентлик чой дамлаб келган экан, фарғоналик бир хўплайидаёқ: «Аттанг, самоварнинг жўмрагидан озроқ сувни оқизиб юбормабсиз-да!» — дебди. Ёз навбатда фарғоналик чой дамлаб келган экан, тошкентлик бир хўплайидаёқ «Эссиз, дамлашдан олдин чойнакни бир лаҳза ерга қўйиб олган экансиз-да!» дебди. Бу ўринда ҳар икки томоннинг бирини зуққоликда улуғлаб, иккинчисини камситиш нияти йўқ асло. Шунчаки, халқимиз чой дамлашни ҳам бир санъат деб билганига эътиборни қаратмоқчиман, холос.

**Отабек МИРҲУСОВ,**  
табиб.

**К**айнотамни ҳечам тушуна олмайман. Нега келиб-келиб мени, яъни ўз қўёвини алдайди, набираларининг ҳаққини ейти?

Айбим нима, қизига уйланмаганимми? Ёки набиралари бирон нарсга зориқмасин, деб ўзимни ўтга-чўқа урганимми?

Масалан, отам қайнотамнинг тамоман акси. Қайси бир йилги кичик опам билан поччам иморат қуришди. «Ёгин-сочинли кунларга қолиб кетмасин, эртарақ битказиб олишсин», деб отамнинг жони ҳалак бўлди. Уйимиздаги ёғоч борми, тахтами, ҳаммасини ўша ёққа ташиди. Одамга алам қиларкан, поччамнинг ўтказиб қўйган жойи йўқ-ку, нега оғирлигини бизга ташлайди?!

Бир куни омиборхонага кирсам, яп-янги ўнга деразадан икитаси ва битта эшик қўйиб бўлибди. Онамдан сўрасам, «мен билмайман», дейди. Бу сафар ростакамга аччим чидди:

— Ота, ахир дераза билан эшикни айвонга ўрнатиш учун атайлаб сотиб олгандик. Нега поччамнига бериб келдингиз? Эшик-дераза керак бўлса, ана устага борсин!

— Ҳов бола, менга ақл ўргатма, нима қилишни ўзим яхши биларман, — деди отам туюқиб.

— Ҳали-ку эшик-дераза экан, уларга зарур бўлса, уйнинг ярмини бузиб, боларларини ҳам олиб бориб бераман. Тушундингми? Биз оч ўтирсак ҳам, опанг тинч ўтирсин. Сен аввал қиз ўстир, уни узат, қайнота деган номга эга бўл. Ана шундан кейин мени тушунасан!

Зўрга узр сўраганимдан

## КУЁВ «ЁВ» БЎЛСА...

сўнггина отам жаҳлидан тушди. Шу-шу «ким яхши?» деса «поччам яхши» дейман.

Тўнғич фарзандим дунёга келгач, «дом»дан бир хонали катта лекдек ўй олиб, шахарга қўчиб келдик. Аввалига мактабда ўқувчилик қилиб юрдим. Қарасам, ҳали-вери бирим икки бўладиганга ўхшамайди. Ишни ташлаб, ўзимни тижоратта урдим. Қишлоқ боласи, савдо-сотикқа пишқ-пхутамаман. Омад менга қулиб боқди, бирдан ишларим юришиб кетди.

Шундай кезларда қайнотам бизнига қаратноб бўлиб қолди. Шаҳар билан қишлоқ ораси олтимиш қақирим, келади-кетади, келади-кетади. Аввалига «ҳа, энди қизини, набирасини со-

чикди», дейди.

Буниси ҳам ҳолва экан. Бора-бора қайнотам мендан ҳайиқмай-диган бўлди. Уйимда худди ўз уйида юргандай эмин-эркин. Бирон нарсга егиси келса, тортиниб ўтирмайди. Музлатгични очади. Қишлоқдан хабари бор. Қизи бирон ёққа кетса, ўзи кўнгли тусанган овқатни пишириб еяверади.

— Анавиндан ичасизми? — деб ароққа шаъма қиламан.

— Сураб ўтирасанми, қуёв, олиб келавер?! — дейди кап-ката одам уялмай-нетмай.

«Қишлоқда шарт-шароит бор, ем-хашак мўл», деб тўртта новвос олиб бердим. Фойдасини қайнотам кўрди. Шунда ҳам менинг кўзим очилмади. Фермер ҳўжа-

Ниманинг ҳисобидан? Албатта, ерининг Бошқа қуёв бўлганида борми?.. Мен эса андиша қилдим. «Вақти келса менга ҳам ёрдам бера», деб ўйлардим.

Аммо чўчварани хос сананган эканман. Тижоратим «синиб», бўғзимга-ча қарзга боғтач, қайнотамнинг асл қиёфаси намоён бўлди. Учига чиққан фарибгар экан. Кечалига «мана, ёнингда мен борман», деб кўксига мушлаган одам, ҳатто ҳўл сўрашга ҳам ярамади.

— Отанга бориб айт, биздан олган қарзини қайтарсин, — деб хотинимга дағ-дағ қилдим бир кунини. — Ердан олган тўрт йиллик улушимизни ҳам берсин!

— Нега мен? — хотинимнинг кўзлари қақчайди. — Ана ўзингиз

боринг, мени аралаштирман!

— Ахир сен хотиним бўлгани учун пулни, ерни отанга ишониб берганман. Шунча йил фойдаланди-ку, индамадим.

— Қишлоққа кетган хотиним орадан ўн кун ўтгач, қайтди. «Отам бугун-эрта пулни олиб келади», деди. Кутдим. Қайнотамдан дом-дарак бўлмади. Демак, қарзини бериш нияти йўқ.

Орқаворатдан суриштирсам, беҳабар юраверибман, менга тепишли фермер ҳўжалиги давлат режасини бажармагани учун тугатилган, ер бошқа бировга берилган экан. Ҳўлса, қайнотам бу тарафдан ҳам мени «қўв» туширди. Ҳозир уйим сотилиш арафасида. Уй сотилса, бола-чакам кўчада қолади. Тушунмайман, қайнотам қайси виждон билан бизни шу аҳволга олиб келди? Наҳотки, қизига, набираларига ичи ачимася?

«Қулдан иморат бўлмайди, қуёвдан ўғил», «қуёв — ёв», дейишарди. Албатта, бу қиёслар нобакор қуёвларга нисбатан айтилади. Қайнотамга ўхшаган кимсалар эса «қайнота» деган номга ҳам ҳолойиқ. Ёки бу гапларим нотўғри бўлса, айтинг! Сизнинг қайнотангиз қандай одам?»

**Жамшиднинг ҳасратини С. МАМИРОВ оққа қўчирди.**



# Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҲУДУДИЙ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

*дунёдаги энг савобли соҳалардан бири эл саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган мамлакатимиз шифокорларини Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан чин юракдан табриклайди!*

*Юртбошимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари бизнинг бирлашмамиз шифокорлари учун ҳам дастуриламал вазифасини ўтаётир. Ҳудудимизда 17 та даволаш профилактика муассасаси бўлиб, уларда кўплаб профессорлар, тиббиёт фанлари докторлари, республикада хизмат кўрсатган шифокорлар, фан номзодлари, олий тоифали шифокорлар хизмат қилишмоқда. 285 мингга яқин аҳоли*



*ўртасида тиббий маданиятни ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида ўз билим ва тажрибаларини ишга солиб, фидойилик намуналарини кўрсатишмоқда.*

*Асосий мақсадимиз халқимиз сиҳат-саломатлигига камарбаста бўлмоқдир.*

*Байрамингиз муборак бўлсин, муҳтарам шифокорлар!*



**Байрамингиз муборак бўлсин, муҳтарам шифокорлар!**

Бола эдик. Бир куни мактабдан қайтмишда раҳматли Соҳида момонинг йўл ёқасидаги полизида га тушиб, битта тарвузни ўғирладик ва сой бўйида ёриб, еб ўтирганимизда кўлга тушиб қолдик.

Момо бизни роса койиб, туҳум ўғирлаганлар катта, тарвуз ўғирлаганлар эса ундан ҳам ирриқроқ ўғри бўлиб кетишини айтиб, «сизларни бугун мелисага айтиб, қаматмасам бўлмайди», деб роса кўрқитди. Кўрқиб кетганимиз учун «моможон, бўлди

Газета тахририятида ишлаб юрган кезларим эди.

Бир муҳаррир хонасига чақириб қолди. Кирсам, кўзойнақ таққан бир киши билан ўтирган экан.

— Мана бу киши таниқли олим, шу билан бирга жуда обрўли ва нуфузли идоранинг раҳбари, — деди бошлигимиз. — У олиб келган мақола жуда долзарб. Газетанинг навбатдаги сонига тайёрланг, — деб кўлёмза-

## ОЙНАДАН ЎПКАЛАМА

шинада унинг ишхонасига бордим. Мақоланинг мазмунини тушунтириб беришларини сўрадим. У киши энсаси қотиб, мақолани тушунмасанг, нима қилиб ишлаб юрибсан дегандек, норози оҳангда «ух» тортиб, нималарнидир шарҳлай бошлади ва гапининг яримга бориб ўзлари ҳам чалқашиб кетди. Сўнгра кимгадир кўнғирок қилиб, «дол-

## БАХТ ОСТОНАСИ

# СЕВГИНИНГ ЎЗИ ЕТМАЙДИ


Хизмат тақозоси туфайли ҳар хил тақдирли одамлар билан юзма-юз келамиз. Яқинда бир йигит кузуримга келди: «Турмуш ўртоғимга севишиб уйланганман, ҳозир ҳам бир-биримизни ниҳоятда яхши кўраемиз. Лекин онам кун ора қилдан қийиқ ахтариб жанжал чиқаради. Онамга ён босай десам хотинимга раҳиман келлади, хотинимнинг тарофини олсам, онам хафа бўлади. Келини ҳам онамнинг кўнглини олиш учун олиб-югуриб хизматини қилади. Икки ўртада мен қийналиб кетдим. Нима қилай, маслаҳат берсангиз?..»

Шундан кейин бу оила билан юзма-юз гаплашиб олдим. Келини-куёвга айтдим: «Яхши оила қуриш учун сеvgининг ўзи етмайди. Ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, орасталик каби фазилатлар орқали турмуш мустаҳкамланади». Ҳозир улар жуда аҳил.

Бундай арзимаган кўнглисиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ФХДЭ бўлимининг кузуримда ёшларни оилага тайёрловчи «Ёш оила мактаби» ўқув-тарбиявий курси фаолият юритмоқда. Бу курсда режа асосида «Ёшларни ҳаётга тайёрлашнинг маънавий асослари», «Оилада урф-одат ва анъаналар, уларнинг оилавий муносабатларга таъсири», «Ажрალიш ва уларнинг олдини олиш чоралари», «Оилада оила аъзоларининг ўрни» каби мавзуларда машғулотлар ўтказилмоқда. Бу эса, оила қураётган ёшлар маънавиятини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, маҳалла, ўқув муассасалари ва оммавий ахборот воситалари орқали ҳуқуқий тарғибот ишлари кенг қўламда олиб борилмоқда.

**Замира ЮЛДОШЕВА,**  
Самарқанд вилояти,  
Пайариқ тумани  
1-сон ФХДЭ бўлими mudiri.

# ЭГАСИНИ ТОПМАГАН ГАПЛАР (ёхуд дея олмаганларим)



зарб мавзу»га ойдинлик киритиб олди. Шунда мен «сиз айтган бу фикрлар мақолада ўз аксини топмаган-ку», дедим, аммо «мақолани ўзингиз ёзмагансиз шекилли, бировдан фикр сўраясиз» дея олмадим...

Бундан ўн йиллар олдин чамаси бир қават юқорида турадиган қўшнимиз мени кўчада кўриб қолиб, гина қила кетди.

— Қўшни дегани ҳам шунақа бўладими укам, ёрдамга чақирсам, бирорталаринг чиқмадинглар. Бешинчи қаватдан фалончини, тўртинчи қаватдан писмадончини, учинчи қаватдан ҳам сизни чиқиб қолар деб, роса бақириб исмларингизни айтиб чақирдим. Ҳа, майли, вақти келиб сизлар ҳам менинг ҳолимга тушсаларингиз кўраман, — деди жиддий оҳангда хафа бўлиб.

— Ака, тушунмадим, қачон, кимни, нима учун ёрдамга чақирдингиз?

— Энди шунақа қилиб одамнинг устидан куласизлар-да, учта барзанги мени ўлғудай уриб кетди, эшитмадингизми?!

— Қачон?

— Уч кун олдин.

— Мен кеча хизмат сафаридан келдим. Хабарим бўлмабди, узр, нима учун уришди сизни?

— Қайфчиликда, ёнидаги қизларига гап оттандим, уйгача орқамдан келиб уриб кетишди-я, номардлар, — деди.

— Ҳа, ўзингиздан ўтибди-да, — дедим, аммо «ёшингиз қирқдан ошганда ярим тунда кўчада юришга-ю, қизларга гап отишга бало бормиди?» — дея олмадим.

Шухрат РЎЗИЕВ

энди, бошқа қилмаймиз», деб роса ялиндик. Охири раҳми келди шекилли, «майли, кечирдим, сўраб келсаларинг ўзим берардим-ку, нодонлар», дедилар-да, кўлтигимизга тарвуз ушлаб, секин қўйиб юбордилар...

Топиш-тутиши яхши бир ака-миз катта даврада мактабни қолди. «Бизнинг ўғилча бу йил институтни тугатяпти. Домлалари шу ерда қолган, деб қўймаётган эмиш», деди керилиб.

Ёнида ўтирганлар «жуда яхши бўпти ака, агар домлалари олиб қоламан дейишгаётган бўлса, айна муддао. Шаҳарда яшагга нима етсин? — дейишди. Ўша болани яхши билганим боис «ростдан ҳам олиб қолишмоқчимиз?» — деб сўрадим ажабланиб.

Дадаси бироз ўнғайсизланиб, чайналди: «Ҳа, энди ўзининг гапи бўйича шундай». «Ундай бўлса яхши» дедим, аммо... ўғлининг қандай ўқиганлигини яқиндан билганим учун «шу гапингиз ёлгон-ов, ака», деб айтолмадим...

ни менга узатди.

Мақола билан танишиб чиққач, ундаги «долзарб мавзу»ни тополмадим. Бош муҳаррирга фикримни билдирганим, кейинги сонга қолдиришимизни айтди.

Эртаси куни мақоласи чиқмагач, ҳалиги домла эрталабданок ваҳима билан кўнғирок қилди. Ҳе йўқ, бе йўқ, гапни дўқ-пўписадан одамсиз ўзи? Бошлиги айтган топшириқни бажармайдиган ходимни биринчи марта кўришим! Ахир сизга, «кейинги сонга чиқаринг», деб буюрди-ку! Тайёр мақолани саҳифага қўйиш қўлингиздан келмадими?!

Гапининг авзойидан бош муҳаррирга кўнғирок қилгани сезилиб тургани учун, «бир келиб кетолмайсизми?» — дедим.

— Менинг вақтим йўқ. Раҳбарингизга айтаман, ўзингиз келиб кетасиз. Уловингиз бўлмаса, машина юбораман, — деб гўшақни қўйди.

Домла айтгандай бўлди. Ма-

## СОТКАДАГИ СЕВГИ

«Телефондаги айтишув», — 44-сон

Оила қуришни телефонда хангома қилишдан бошлаган ёшларнинг ҳаёти кейинчалик бекаму кўст бўлармикан? Гўшақ орқали мулоим овозда гаплашган қиз, балки аслида қўпол, жиззақидир. Ким билади, чиройли сўзаларни айтатган йигит ҳаётда ёлгон-чи, субутсиздир. Менинг назаримда телефонда танишиб севишганлар бир-бирига осонгина эришадилар ва муҳаббатларидан осонгина воз ҳам кеча оладилар. Удумларимизга таянадиган бўлсак, бундай одат таомилда умуман йўқ. Азал-азалдан ёшларни оила қуришга тайёр деб ҳисоблаган кунимизданок

совчиларга муружаат қилганмиз. Йигит ёки қизнинг авлод-аждодини суриштирганимиз. Қўни-қўшнлар одоб-ахлоқига қандай баҳо беришини эътиборга олганмиз. Энди ўзингиз уйланг, йигит билан қизнинг танишувига оддий темир телефон совчиллик қилса, уларнинг оиласи мустаҳкам бўлармикан?

Мақталаримизда «Одобнома» дарси ўтиляпти. Шу сабақларда болаларга телефон орқали одамлар билан қандай мулоқот қилишни ўқитувчилар кенгроқ тушунтирсалар мақсадга мувофиқ бўларди.

Эргаш АТОЕВ,  
Навоий вилояти.

## ҚИЛМИШ — ҚИДИРМИШ

# «КРЕДИТ ОЛИБ БЕРАМАН» ДЕБ...

Сир эмаски, бугунги кунда Республикада банклар, кредит уюшмалари каби янги-янги молия муассалари очилиб, аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Табиийки, улардан турли шаклдаги кредитлар олаётган фуқаролар ҳам кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Баъзида «кредит олиш учун устама ҳақ бериш керак» деган узунқулоқ гаплар ҳам қулоққа чалиниб қолади. Аслида ҳам шундайми?!

Департаментнинг Тошкент шаҳар, Миробод тумани тезкор ходимлари томонидан фот этилган жиноят айнан шу хусусда. Тўлсиной Ҳасанова (исм-шарифлар ўзгартirilган) аслида сургута компанияси агенти. У «Invest Credit» уюшмасига 2007 йилда аъзо бўлиб, истемол кредити олади. Шундан сўнг, танишларига ўзини кредит уюшмаси ходими сифатида таништириб, кредит олиб беришга «ёрдамлашди», хизмат ҳақиқа эса анчагина пул ҳам олиб туради.

Т.Ҳасанованинг навбатдаги «ўлжа»си О.Юсупова бўлиши ло-

зим эди. Ҳар ҳолда келишувга кўра, бу икки аёлнинг бири автотомобил сотиб олиш учун кредит олиб бериши, иккинчиси эса қилинган хизмат учун пора сифатида 400 доллар бериши керак эди. Ўз вақтида берилган маълумот, Ҳасанованинг режисини барбод қилди. Департаментнинг Миробод тумани ходимлари томонидан 400 АҚШ долларини олган Тўлсиной жиноят устида қўлга олинди. Аёл боши билан фибригларлик йўлини танлаб, кредит уюшмасининг обрўсини тўқши эвазига пул топаётган Т. Ҳасанова судда бу қилмишидан минг пушаймон эканини айтиб, енгиллик берилишини сўраган бўлса-да, лекин қонун барчага баробар эканлиги боис Жиноят Кодексининг 168-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилди, тегишли ҳажазо тортилди.

**Фарход АБДУШУКУРОВ,**  
Бош прокуратура хузуридаги СВОЖДЛДКК Департаменти Тошкент шаҳар Миробод тумани катта инспектори.

## АЛИМЕНТ КИМЛАРГА ТЎЛАНАДИ?

1998 йилнинг 30 апрелида қабул қилинган Оила кодексига «Никоҳ шартномаси» ҳамда «Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув» деган янги тушунчалар киритилган эди. Албатта, орадан ўн бир йил ўтган бўлса-да, баъзан энг аввало ҳар бир оилани мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилаётган бу янги қоидаларнинг мазмун-моҳиятини тушунмаслик ёки нотўғри талқин қилиш ҳолатларига ҳам дуч келмоқдамиз. Шу боис биз бугун алимент тўлаш тартиби ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

Хўш, умуман «Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув» тушунчасининг ўзи нима? — деган саволга жавоб излайлик. Дарҳақиқат, бу ҳужжат ота-оналар вояга етмаган фарзандларига, вояга етган болалар эса меҳнатга яроқсиз ота-оналарига, собиқ эр-хотинлар, қариндошлар(бобо ва бувилар, неваралар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғай ота

ва она, ўғил-қизлар) ва бошқа шахслар ўртасида белгиланган тартибда алимент тўлаш мажбуриятини юклайди. Келишув алимент тўлаши шарт бўлган шахслар ўртасида (агар алимент олувчи муомалага лаёқатсиз бўлса қонуний вакили билан) худди Никоҳ шартномаси каби ёзма тарзда тузилиб, нотариал тартибда тасдиқланади. Бу келишувни тасдиқлаш учун 10 физик миқдорида давлат божи ундирилади.

Алимент миқдори ҳам ана шу келишувда белгиланади. Яъни:

— алимент тўлаши шарт бўлган шахсининг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадига нисбатан улушларда;

— вақти-вақтида пул билан тўланадиган қатъий суммада;

— бир йўла пул билан тўланадиган қатъий суммадан;

— мол-мулк билан ёки келишувда қайд этилган

## ҲУҚУҚ ВА БУРЧ

бошқа усулларда ҳам тўлаши мумкин.

«Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув» тарафларнинг розилиги асосида исталган вақтда ўзгартрилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Мабо-до келишмовчилик пайдо бўлса, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига белгиланган асослар ва тартибларга қўра, суднинг ҳал қилув қарори билан ўзгартрилиши ёки бекор қилиниши ҳам мумкин.

Ушбу келишувнинг тугаш муддати тарафлардан бирининг вафот этиши ёки юқоридаги имзоланган ва тасдиқланган ҳужжат муддатининг амал қилиши тугаши ва бошқа асосларга биноан тўхтатилади.

**Зулфия УСМОНОВА,**  
Тошкент вилояти Янгиўл шаҳар хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариуси.

**(Давоми. Боши ўтган сонларда)**

Сабринага дадасининг ўлими қаттиқ таъсир қилди. Энди у бутунлай Бехзодга суюниб қолганди. У ёнида бўлса, ўзини биров хотиржам сезади. Дардларини унутади...

Айнан шундай кунларнинг бирида Бехзод яна бир тубанликка қўл урди.

Бир кун Сабринани кечки овқатга таклиф этди. Тамадди вақтида қизга ичкилик таклиф қилганди. У рад этди.

— Ҳаммасини унутмоқчиман дейсану, унуттиришга имкон бермайсан, — Сабринадан ранжиганини билдириш учун кескин гапирди Бехзод.

— Кўйинг, ахир ичкилик қиз болага тўғри келмайди...

— Ёнингдан мен борман-ку!

Хуллас, Бехзод Сабринага мажбурлаб бир қадаҳ ичирди. Кейингиларини унга сездирмасдан «кола»-сига қўшиб бераверди...

Сабрина эрталаб уйғонганида, бегона ўринда ётарди. Ёнида Бехзод. Ҳеч нима бўлмагандай ухларди. Гап нимадалигини тушунгач, гўё бутун олам унинг устидан кулаётгандай бўлди. Шўрлик юзларини беркитганча йиғлаб юборди. Унинг овозидан уйғониб кетган Бехзод овутишга тушди.

Ҳа, энди Сабринанинг нафақат қалби, балки jisми ҳам Бехзодга тегишли эди.

Шундай бўлгач, Бехзоднинг хиёнатига қандай чидасин?! Эл-юрт, аввало, ўзининг олдига ким деган одам бўлди энди? Бу алдов юкени кўтариб яшаш осонми?..

Сабрина ўн беш кун деганда касалхонадан чиқди.

Бехзоднинг асл башараси унинг учун эндигина очилган бўлса-да, ундан сўрайдиган айрим саволлари бор эди. Юзма-юз келиб, аламли саволларига жавоб беришни талаб қилади. Инсоннинг шаъни, қадр-қимматини ерга уриш инсофдан эмаслигини, номард эканини юзига очиб айтади. Тўғри, ишхонасига боради. Бехзод каби пасткаш одамнинг бундай нуфузли ташкилотда ишлашга ҳаққи йўқ эканини раҳбарига айтади.

Шу ниятда у Бехзод ишлайдиган бошқармага келди. Уни бошлиқ яхши кутиб олди. Унинг ҳузурда ўтираркан, хонана Бехзод кириб келди. Йигит Сабринага кўзи тушиши биланоҳ раңги бир оқариб, бир қизарди. Лаблари пир-пир уча бошлади. Бор гапдан воқиф бўлган ташкилот раҳбари Бехзодни саволга тутди. У Сабрина айтган ҳамма гапни тасдиқлади.

— Мен сизни ишдан бўшатишларини талаб қилиб ёки оилангизга нотинчлик солиш мақсадда бу ерга келганим йўқ. Лекин бир гапни айтмоқчиман: сиз — ёлғончи, фирибгар, товламачи инсонсиз. Шундай иллатларга қарши курашадиган ташкилотда ишлашга сизнинг ҳаққингиз бормикан аслида?..

— Мен сендан олган ҳамма пулларни қайтараман, — мингирлади Бехзод.

Ҳамма нарса ни гул билан ўлчашга одатланган Бехзоднинг бу гапларини эшитиб, Сабринанинг ичидаги олов баттар кучайди.

— Сиз фақат пул ўғрисимисиз, ўзингиз айтинг-чи? Йўқ, сиз — инсон қалбининг ўғрисисиз! Шунга биласизми?

Жавоб бериш ўрнига шунча пайтдан бери гўзал қизнинг олдига гўз гердайиб юрган Бехзоднинг боши тобора пастга эгилиб борарди.

— Шу пайтгача ҳаётимни сизсиз тасаввур эта олмай келардим, — фавқуллодда дадиллик билан деди Сабрина. — Лекин бундан кейин қанча яшайман билмадим, агар бу дунёда яшашим бир пиёла сувга боғлиқ бўлиб, шу сув сизнинг қўлингизда бўлса, мен асло ичмасдим. Номард одамнинг қўлидан сув ичгандан кўра, жон берганим яхшироқ!

Сабрина ўрнидан шахд билан туриб хонани тарк этди. Икки оғиз гап билан асл қиёфаси очилиб кетган Бехзоднинг ҳамкасблари, раҳбари олдига обрўйи ер билан битта бўлди. У Сабринадан бу каби ҳужумни кутмаган эди. Бир пайлар ўйлаб қўйган режалари иш бермади. Сабрина бошқа бировларга ўхшаб, шаллақилиб қилмади, дод-вой солмади. Алданганини тан олиб, мардларча таслим бўлди. Жазони эса Бехзоднинг виждонига ҳавола этди.

Бироқ Яратган томонидан виждон деганлари улашаётганда, Бехзод бундан андак бенасиб қолган чоғи, Сабрина келиб-кетгач, тиш-тирноғи билан ўзини оқлаб олиш ҳаракатига тушиб кетди. Чунки шу пайтгача яхши қўриб юрган раҳбари қўлини ювиб қўлтигига ургандек: «Суф-э, сенга йигит деган ном!» — деди. Шундан буён ёнига йўлатмайди. У бажариши мумкин бўлган ишларни ёрдамчисига буюради. Гўё Бехзод бу жамоада йўқ ва аввал ҳам бўлмаган. Энг ёмони шу экан, ҳамманинг назаридан қолиш.

Бехзод Сабринадан товламачилик йўли билан олган пулларини сарфлаб зийфатлар едирган касбдошлари орасидан дардқашлар ҳам топа қолди.

**✓ БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...**

да турмайдиган сўзлар билан уни ҳақоратлаб туришди. Мунозарадан оғоҳ бўлиб чиққан Маҳбуба опа ҳам анграйиб қолди. Уларни тинчлантиришга урингани сайин у ҳам хунук сўзларни эшитишга мажбур бўларди. Дарров томошалаблар ҳам топила қолди. Ахийри, Маҳбуба опа ҳам ичкарига кириб кетиб қутулди...

Бу томоша Сабрина ҳақида маҳаллада изғиб юрган гап-сўзлар шомолини баттар кучайтириб юборди. Маҳбуба опа мунга-

**Шахло ТОШБЕКОВА****САБРИНАНИНГ САБР КОСАСИ**

Уларга қизни «кулга белаб, косовга санчиб» таърифлаб берди.

Орадан бир ҳафта ўтган, Сабриналарнинг хонадонига икки киши кириб келди. Эракка бўлса ҳам бақирини, шаллақилик қилишининг ҳадисини олган бу одамларни Бехзод жўнатган эди.

— Сизми, бизнинг ҳалол, виждонли ҳамкасбимизни «шантаж» қилган? — деди улардан бири эшик очган Сабринага бошдан-оёқ тикиларкан.

— Нималар деясиз? — ҳеч нимага тушунмади Сабрина.

— Сиз бир марта эрга тегиб чиққан экансиз, тўғрими? — иргиб чиққудай чақчайган кўзларини Сабринага тикди иккинчиси.

У ерга қаради.

— Бу билан нима демоқчисиз?

— Тўғрими?

— Тўғри!

— Ҳа, шундай бўлгач, Бехзод нега энди сизга уйланиши керак экан? Шундай йигит кимлардандир қолган сарфатга зор қолибдими?

— Оғзингизга қараб гапиринг!

— Гапларимнинг тўғри эканини ўзингиз тасдиқладингиз-ку!

Сабринанинг бўғизига нимадир тош каби қадалди. Аммо қаршисига турганларга қарши сўз айтмоққа ўзида куч топа олди:

— У номард сизларни нима мақсадда юборганини биламан. Бориб айтинг, мен учун у ўлган!

— Буни бизга аҳамияти йўқ, бориб ундан кечирим сўрайсиз!

— Нима?!

— Ҳа, бориб, жамоа олдига ундан кечирим сўрайсиз.

— Асло!

— Кўнмасангиз, сиз ҳам маҳалла-қўй олдидига обрўйингиздан айрилишингиз мумкин.

— Қўлингиздан келганини қилинг! Ҳаммангизни ҳудода солдим, эшитдингизми, жазойингизни худо берсин!!!

Сабрина дарвозани ёпиб, кириб кетди. Лекин икки киши анча вақтгача курак-

йиб қолган қизининг ҳолига қараб бир қўйса, кўчага чиқа олмай қолганидан икки кун рди. Уғиллари Бехзод билан яхшилаб эркакчасига гаплашиб қўйишмоқчи бўлишди ҳам, аммо Маҳбуба опа уларни зўрга бу шахдларидан қайтарди.

— Ҳудода солдим, — деди шивирлаб мижжаларига қалққан ёшни болаларидан яширишга уринар экан. — Опангизга ҳозир осон эмас, уни тушунишга ҳаракат қилинг...

Нафақат Сабрина, балки унинг оиласи учун кейинги кунларни, ҳатто дақиқаларнинг ўтиши оғир бўлди. Қиз бечора тушунликдан қутулолмасди. Охир-оқибат у тўшаққа ётиб қолди. Онасининг, укаларининг зир югуриб чора излашлари бекўйда, саратонда қолган япроқ каби у кун сайин сарғайиб борарди. Бу алфозда бирор дард орттириб олмасайди деб, онаизорнинг жони жавотирди.

У ёқда эса Сабринанинг бетоб эканидан хабар толган Бехзод ўзида йўқ шодланарди.

Шу тарзда кунлар бир-бирини қувлаб ўтаверди. Атрофни ўзгача яшариш завқига тўлдириб, яшилликка бурқаб баҳор келди. Деразадан ташқарини кузатиб ўтирган Сабрина руҳиятида ўзгариш сезди. Ҳар қандай дардининг давоси вақт экани, умрининг оқар сув каби ўтаверишини ҳис қилар, бу қалб оғриқларини энди кўзготмасди.

— Болам, сен учун бир коса иссиқ шўрва қилдим, ичиб олгин, қувват бўлади.

Онасининг овози Сабринани хаёлларидан чалғитди. У бир неча ой ичида юзларига ажин оралаб, сочларига андак қиров қўна бошлаган волидасини кузатар экан, кўнгли гашланди. Тўққиз ой jisмида кўтариб юриб, минг азоблар билан дунёга келтирган онажонисини балогагача етиб ҳам қўй-намоқда. Шу адолатданими? Унинг армонларини аридадиган бўлганида, қаёқдаги ташвишлар билан андармон бўлди-я! Ўзига термулиб чарчамадимикан, онажонисига?

(Давоми келгуси сонда)

**СЕККИ ГАРДИШИ**

100 йилдириқ, одамлар сувнинг шаффофлигини ўлчаш учун Секки гардиш (диск)идан фойдаланишади. Бу оппоқ металл доиранинг диаметри 30 сантиметр бўлиб, уни сув қаърига ташлаш орқали шаффофлик ўлчанади. Кема ўлчаш жойига сузиб боргач, гардиш горизонтал ҳолатда деярли кўринмай қоладиган нуқтага айлан-

гунча — сув қаърига туширилади ва шу масофа сувнинг нечоғлик шаффофлигини белгилаб беради. Яқин-қингача кўпчилик энг шаффоф сув Бойкал қўлининг суви деб биларди. Аммо 1986 йилга келиб, Ер юзидан ундан ҳам тоза ва шаффоф сувлик аниқланган. Бу Антарктида киргоқларини ювиб турувчи Уэдделла денгизидир. Секки оқ гардиши шу жойда сувга туширилганда кўриниш масофаси 79 метрни ташкил қилган. Ваҳоланки, бу оқ дискнинг ҳатто дистилланган шаффоф сувда ҳам кўздан йўқолиш натижаси 80 метрни ташкил қиларди. Демак, Уэдделла денгизини фавқуллодда тиникдир.

Бу гардиш иктирочиси XIX асрда яшган италиялик машҳур астроном Анжело Секки. У умри давомида астрономия, геодезия, метеорология ва гидрология соҳасида ўз тадқиқотлари, кашфиётлари билан дунё фани ривожига муносиб ҳисса қўшган. Секки нафақат сув шаффофлигини ўлчаш таклифини айтган, балки астрономияда биринчи бўлиб фототографияни қўллаган олим ҳамдир.

**ИШЛАШНИ ХОҲЛАЙСАНМИ, ТАЪЗИМ ҚИЛИШНИ БИЛ!**

Япониянинг Осака шаҳридаги кўзга кўринган супермаркетлардан бирида ишлайдиган қизларга осон кечмас экан. Су-



пермаркет ҳўжайини уларни ишга қабул қилиш жараёнида қатъий бир шартни қўйган. Яъни, қизлар супермаркетга ташриф бўураётган мижозларга белгиланган тартибда таъзим қилишлари талаб этилади. Қизларнинг ҳаракатлари маҳсус кузатувчилар томонидан то кечгача назорат қилиб борилади. Сотувчи қиз маҳсус тарифга асосан, ҳамкасбларига 15 даража бурчак остида, харидорга 30, раҳбарларга эса 45 даража бурчак остида эғилган ҳолда таъзим қилиши шарт.

Ким билади, кўпчилик учун ҳайратланарли туюлган бу ҳолат эҳтимол кунчиқар мамлакат аҳолисининг оддий кундалиқ амалларидир. Ахир, бу ҳаракат уларнинг қадимий саломлашиш одатларида ҳам акс этиб туради-ку.

Наргиза САРИМОВА тайёрлади.

# ҲАРОМ ҚОТГАН СИГИРНИНГ ПУЛИ

**Хурматли тахририят!**  
 «Оила ва жамият»ни шу йил баҳоридан бери ўқияпман. Газетангизда одамни ўйга толдирадиган, фикрлашга ундайдиган, энг муҳими, киши маънавий дунёсини бойитишга хизмат қиладиган мақолалар босилаётгани учун сизларга қишлоғимизда рўй берган галати бир воқеа ҳақида ёзмоқчиман.

Кўшнимизнинг зотдор ва кунига ўн литрча сўт берадиган сиғири бор эди. Ҳар доим эгаси уни ариқ ёнидаги ўтлоққа боғлаб кўяр, кун давомида уч-тўрт марталаб хабар ҳам олиб кетарди. Ўтган ҳафта ана шу жонивор ўзи боғланган арқонга ўралиб қолиб, ариққа тушиб кетибди. Отaxonнинг бақир-чақирини эшитиб, биз ҳам ёрдамга шошилдик. Афсуски, кеч қолибмиз, сиғир бечора бўғилиб ўлиб қолган экан.

«Бу болаларга ишониб бўлмас экан-да, ўзим эрталаб кўшни маҳаллага худойига кетгунчаём нечи марта тайинладим-а», дея, шўрлик чол

кўз ёшларини секин ўнгири билан артаркан ўғлига тайинлади: «Жониворни чеккароққа олиб бориб, кўмиб ташланглар».

Эртаси кун эса дадам даладан



сўкиниб келди. Унча-мунча нарсага жигибйрон бўлмаслигини билганим учун бу холдан аввалига ҳайрон қолдим, аммо бирон нарса дейишга ботинолмадим. Бироздан сўнг ўзи

## НИМА ДЕЙСИЗ?

сўраб қолди:

- Кеча ...буванинг ўлган сиғирини сенам кўрувдингми?
- Ҳа.
- Амаки ўғлига «кўмиб ташла» деган экан-а?
- Айтувди, нима бўпти?
- Бало бўлибди, дард бўлибди қизим, бу одамларда инсоф қолмади. Ўғли кечаси ўша ўлган сиғирнинг гўштини қассобга 300 минг сўмга топшириб кепти...

Бу гапни эшитиб қотиб қолдим. «Нахотки? Ахир отаси жуда яхши одам-ку, дада!» десам, у киши баттар жазавага тушди: «Биламан, бу кўрнамак ҳам, агар билиб олган бўлса муттаҳам қассоб ҳам шу қилмиши учун барибир худодан топади, лекин ҳаром ўлган молнинг гўштини сотиб олганларнинг айби нима?»

Энг ачинарлиси, бу гўшт қаерда сотилгани хали номаълум. Тўйтепадами, Оққўрғондами, ҳеч ким билмайди. Халиги гапни эшитган сиғирнинг эгаси бўлмиш отaxonнинг тоби қочиб, уйдада ётибди...

**Нафиса АҲМЕДОВА,**  
Тошкент вилояти.



## БАХТЛИ БЎЛИНГ!

**НУРИДИЙДАМНИНГ ТҮЙИНИ КЎРАЙИН**

«Ўғлим Шохжаҳон туғилганида соппа-соғ эди. 2 ёшида бехос хасталаниб қолди. Уни касалхонада олиб ётдим. Укол қилаётганда ҳамширанинг эътиборсизлиги туфайли кроватдан йиқилиб тушган. Ўшанда ҳеч жойи лат емаган эди. Лекин икки ой ўтгач оёғини тўғри босолмай қийнаётганини сезиб қолдим. Зудлик билан шифокорга олиб бордик. Муолажалар наф бермади. Йиллар ўтиб, юролмайдиган бўлиб қолди. Шундан сўнг Тошкентда уч йил давомида фидойи шифокорлар ёрдамида даволаниб, оёққа турди. Ҳозир сал оқсоқланиб юради. II- гуруҳ ногирони. Боламнинг зеҳни ўткир, мактабни аъло баҳоларга тугатди. Шерлар машқ қилади. Ёзганлари вилоят, республика газета ва журналларида чоп этилган. Ўқишини давом эттириш ниятида. Ҳаётда ўз ўрнини топишга ишонаман. **Ёши 21 да.** Нуридийдамни тақдирини ўзиникига ўхшаган меҳрибон, оқила кизга уйлантириш ниятидамиз.

**Салима, Қашқадарё вилояти, Яқкабоғ тумани.**

## ЎЗ ФАРЗАНДИМ БЎЛСА...

«Бир дунё орзу- ҳавас билан Баҳодирга турмушга чиққан эдим. Дастлаб бахтли яшадик. Қайнота-қайнонам баъзани инсонлар эди. Мен уларнинг ҳурматини, уй юмушларини ўрнига кўярдим. Афсуски уч йил ўтса ҳам фарзандли бўлавермадик. Қайнонамнинг маслаҳати билан республика акушерлик ва гинекология илмий - текшириш институтига бордик. Ташхис натижасига кўра, мен соғлом эканман. Баҳодир ака эса асабийлашиб, уйга келгунча лом-лим демади. Кейин... Гоҳида менинг айбим нима дея хўрлигим келиб яширинча йиғлаб ҳам олардим. Қўлим ишга, оғзим ошга бормай қолди. Бир йил ичида Баҳодирнинг ҳам сочи оқариб, ошқозони хасталаниб қолди. Уйимдагилар эса мени ажратиб олиш пайга тушди. Ҳар сафар уларга озгина сабр қилишларини ўтини сўрардим. Йўқ, охири эримнинг худбинлиги, хўрлашлари жонимдан ўтиб кетди ва биз ажрашдик. Шунга ҳам мана 12 йил бўлибди. **Ёшим 39 да.** Хотини бирор сабаб билан вафот этган эркак учраса, турмушга чиқмоқчиман.

**Зилола, Тошкент шаҳри.**

## ҚАЙНОНАМ НОРОЗИ ЭДИ

«Дилбар билан севишиб турмуш қургандик. Лекин унинг онаси тўйимизга норози бўлганди. Фарзандли бўлсак-да остонамизга оёқ босмади. Қайнонам мени назар-писанд қилмагани сабаб оиламизга совуқчилик оралди. Дилбар ота уйига боргудек бўлса юрагим зириллайдиган бўлди. Чунки хотиним у ёқдан албатта қовоқ-тумшук қилиб қайтарди. Бу ҳол йиллар давомида такрорланавергач, ажрашиб кетдик. Қайта уйландим. Насиба меҳрибон, улдабурон аёл эди. Топган-тутганимга барака кириб, машина, дангиллама уй-жой, кўп нарсага эга бўлдик. Афсуски, ўрта-мизда фарзанд бўлмади. Бормаган жойимиз, кўрнмаган шифокор, табибимиз қолмади. Ҳеч бўлмаса «Бола асраб олайлик» деб унга худонинг зорини қилдим. Кўнмади. Қисматим экан-да, ажрашдик. **Ёшим 53 да.** Маълумотим ўрта-маҳсуз. Қадримга етадиган, уйим-жойим дейдиган аёл (битта ўғли бўлса ундан ҳам яхши) учраса, мустаҳкам оила қурмоқчиман.

**Рустам, Тошкент.**

### Муассислар: Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

<p>Фойдаланилмаган кўлэмалар тахлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.</p> <p>«Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 15:00. Босишга - 16:00</p> <p>E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz</p>	<p><b>Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ</b></p> <p>Қабулхона: (тел. ва факс) 233-28-20</p> <p>Мухбирлар: 234-25-46</p> <p>Котибият: 233-04-35</p> <p>Реклама бўлими: 233-04-50</p> <p>Web-site: oilavajamiyat.uz</p> <p>Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.</p>	<p><b>МАНЗИЛИМИЗ:</b> Тошкент - 700000 Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй Мўлжал: «Оло» бозори ёнида</p>	<p><b>ОБУНА ИНДЕКСИ - 176</b></p> <p>Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган. Буюртма Г - 1032. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ, Адади - 9161</p> <p>Навбатчи — Нигора РАҲМОНОВА Саҳифаловчилар — Илҳом ЖУМАНОВ, Шерзод БАРОҚОВ Мусахҳиҳлар — Саидғани САЙДАЛИМОВ, Камола АҲМЕДОВА</p>
----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

## «ИНФАРММАДАД»

### Саломатлик марказига марҳамат!

Марказда сизнинг хизматингизда — эндокринолог, невропатолог, кардиолог, гинеколог, уролог, гельминтолог, лор, окулист, болалар невропатологияси соҳаларидаги малакали шифокорлар шунингдек, УЗИ, ЭХО, ЭКГ, лаборатория, физиотерапия хизмати фаолият олиб боради.

### КўПЛАБ ОИЛАЛАРГА ФАРЗАНД ҚУВОНЧИНИ ТУХҒА ЭТИБ КЕЛАЁТГАН САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ, СИЗНИНГ ҲАМ ХОНАДОНИНГИЗДА ЧАҚАЛОҚ ОВОЗИ ЯНГРАШИГА САБАБЧИ БЎЛАДИ!

Ёш келинлар турмуш ўртоғи билан ҳомилдорлик вақтида «Бўлажак оналар мактаби»га қатнаб, тегишли маслаҳатлар билан бирга даволаш гимнастикаси (ЛФК), психоневролог, кардиолог (ЭКГ) кўригидан ўтиб, фойдали йўл-йўриқлар олиб туриши мумкин.

Инди дунёга келган чақалоқлар эса мунтазам равишда болалар невропатологияси, педиатр, психолог, эндокринолог, логопед, гельминтолог кўригида бўлади.

Хурматли эркаклар! Агар сизда бел, қовуқ соҳасида оғриқ бўлса, тунда ҳожатга тез-тез чиқиш, пешоб келгандан сўнг ачишиш, жинсий оғизлик, бепуштлиқ, сабабсиз бош оғриғи, бел, бўйин оғриб, қотиб қолиши, асабийлик, уйқусизлик, семизлик ҳолатлари кузатилса, малакали уролог, сексопатолог, невропатолог, эндокринолог ёрдамида барча дардлардан тезда фориғ бўлишингиз мумкин.

Балоғат ёшидаги қизларга ҳайз келгандан кучли оғриқ бўлиши, бепуштлиқ, сабабсиз қон кетиши, туҳмудон кистаси, асабийлашиш, қирқ ёшдан ошган аёлларда қон босимини ошиши, тираш, миома, эрозия ҳолатлари бўлса, малакали гинеколог, невропатолог, кардиолог, эндокринолог ёрдамида даволанади.

**МАНЗИЛИМИЗ:** Тошкент шаҳри, «Ғафур Гулом» метро бекати.  
**МЎЛЖАЛ:** Цирк томонга 150 метр юрилади.  
 Тел: (8-371) 244-73-24, 244-49-02  
 Барча хизматлар лицензияланган.

## «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

куйдаги ўқув курсларга таклиф этади.

- Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
- Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.
- Ҳамширалар — 6 ой, 4 оий ўқий, 2 оий амалиёт.
- Тиббий массаж — 2 ой амалиёт билан. Нуктапи — 1 ой.
- Торт ва пишириқлар амалиёти билан — 2 ой.
- Пишириқлар олий курси — 1 ой.
- Уйғурча таомлар ва салатлар — 1 ой, амалиёти билан.
- Аёллар сартарошлиғи — 3 ой, амалиёт билан.
- Педикюр, маникюр — 1 ой, амалиёт билан.
- Сартарошлик — 3 ой, амалиёти билан.
- Тўй ва оқшом турмақлари ва макияз — 1 ой.
- Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
- Парда ва чойшаблар — 1 ой амалиёт билан.
- Сартарошлик — 2-3 ой ўғил болалар учун. Салонда
- Каштачилик — 3 ой машинада вишивка.
- Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
- Бисер тикиш, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
- Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
- Компьютер сабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой.
- Арабча ва миллий рақс — 3 ой.

■ Машгулотлар амалиёти билан  
 ■ Ётоқхона мавжуд  
**Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади**  
 Манзил: Юнусобод тумани, 3 мавзе, 1-уй, 31-хона.  
 Мўлжал: Юнусобод дехқон бозори орқасида. Тел: 221-17-95, 221-77-72 кундузи, 225-97-93 18:00дан 22:00 гача.